

# ТОШКЕНТ ХАЖИКАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

1928 йил 11 декабрдан нашр этилмоқда.

ЧОРШАНБА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.

1994 йил 6 июль • чоршанба  
№ 48 (10.625) Эркин нархда

## ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

4 июл куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Исроил давлати ташқи ишлар вазири Шимон Пересни қабул қилди.

Ислам Каримов меҳмонга Ўзбекистон ҳукуматининг жаҳондаги барча давлатлар билан дўстона ва ўзаро манфаатли ҳамкорликка асосланган ташқи сиёсати, шунингдек, республикада амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг дастлабки самаралари тўғрисида сўзлаб берди. Исроил ташқи ишлар вазирининг Ўзбекистонга ташрифи мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий, маданий, илмий-техник ҳамкорликни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшаётганига умид билдирди.

— Ўзбекистон билан Исроил ўртасида қишлоқ хўжалиги, хусусан, пахта етиштириш соҳасида қилинаётган биргаликдаги амалий тажрибалар диққатга сазовордир, — дейди юртбошимиз. — Жаҳонда пахта экспорти бўйича АҚШдан кейин иккинчи ўринда турган Ўзбекистон учун пахта етиштиришда ҳосилдорликни бизга нисбатан 2-2,5 баробар оширишга эришган исроилликларнинг бу борадаги илғор технологиясини ўрганиш фойдалидир!

Шимон Перес Исроил давлати президенти Ицхак Рабиннинг эзгу тилаklarини етказар экан, самимий қабул ва меҳмоннавозлик учун Ўзбекистон раҳбарига миннатдорлик изҳор этди.

Сўхбат чоғида келгусида Ўзбекистон билан Исроил ўртасида соғлиқни сақлаш, сайёҳлик, енгил саноат каби соҳалар бўйича ўзаро тенг ва манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш, мутахассислар алмашлаш масалалари муҳокама қилинди. Шунингдек, халқаро муаммолар юзасидан ўзаро фикр алмашилди. Яқин Шарқда тинчликни барқарорлаштириш жараёни мазкур минтақадаги барча давлатлар ўртасида яқин қўшничилик муносабатларининг тикланишига сабаб бўлаётганига ишонч билдирилди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳ.Султонов, Республика ташқи ишлар вазири С.Саидқосимов қатнашди.

Учрашувда Исроил давлатининг мамлакатимиздаги фаёқуллода ва мухтор элчиси Израиль Мей-Оми ҳозир бўлди.

(ЎЗА)

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектларини улар жойлашган ер участкалари билан биргаликда хусусий мулк қилиб сотиш тартиби тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1993 йил 28 декабрдаги 988-ХII-сон қарорини ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 1994 йил 21 январдаги ва “Ўзбекистон Республикасида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёни янада ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида” 1994 йил 15 мартдаги фармонларини ижро этиш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектларини улар жойлашган ер участкалари билан биргаликда хусусий мулк қилиб сотиш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат

мулкни кўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда республика шаронтида амалда синаб кўрилганлигини ҳисобга олган ҳолда мазкур низомни 1994 йил 1 ноябргача тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

2. Ўзбекистон Республикаси давлат архитектура ва қурилиш кўмитаси “Узистикболстат” Давлат кўмитаси, Қишлоқ хўжалиги вазири, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда 1994 йил 1 октябргача республика шаҳарлари, шаҳарчалари ва бошқа аҳоли яшаш жойларидаги ерларни комплекс иқтисодий баҳолашни амалга оширишлар ҳамда материалларни Вазирлар Маҳкамасига ва Давлат мулк кўмитасига тақдим этсинлар.

3. Ўзбекистон Республикаси

Адлия вазири, Молия вазири, Давлат мулк кўмитаси, қишлоқ хўжалиги вазири ва Давлат архитектура ва қурилиш кўмитаси билан биргаликда ер участкаларининг хусусий мулк қилиб сотилиши муносабати билан Ўзбекистон республикаси қонун ҳужжатларига ўзгаришлар киритиш тўғрисида таклифлар тайёрласин.

4. Хусусий мулк қилиб берилмайдиган ерлар рўйхати 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазирининг ўринбосари В. А. Чжен зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг  
Раиси  
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,  
1994 йил 4 июль

### Вазирлар маҳкамасининг қарорига 1-илова

#### САВДО ВА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ ОБЪЕКТЛАРИНИ УЛАР ЖОЙЛАШГАН ЕР УЧАСТКАЛАРИ БИЛАН БИРГАЛИКДА ХУСУСИЙ МУЛК ҚИЛИБ СОТИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА ВАҚТИНЧАЛИК НИЗОМ

1. Мазкур низом Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1993 йил 28 декабрдаги 988—ХII-сон қарорига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 1994 йил 21 январдаги ва “Ўзбекистон Республикасида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёни янада ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида” 1994 йил 15 мартдаги Фармонларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

2. Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектларини улар жойлашган ер участкалари билан

биргаликда жисмоний ва юридик шахсларга, шу жумладан хорижий жисмоний ва юридик шахсларга, хусусийлаштирилмаган объектларни сотиб олишда улар фойдаланган маблағларнинг манбалари ҳақида декларация талаб қилмаган ҳолда, хусусий мулк қилиб сотиш Ўзбекистон Республикаси давлат мулк кўмитаси билан давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг белгиланган тартибига ва мазкур низомга мувофиқ амалга оширилади.

3. Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектларини улар жойлашган ер участкалари билан биргаликда хусусий мулк қилиб сотиш танлов бўйича еки кимовиди савдоларида амалга оширилади.  
(Давоми 2-беда).

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

### ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ НОЁБ ВА ЭНГ МУҲИМ ИНШОТЛАР ҚУРИЛИШИДА

#### АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРДАН БИР ГУРУҲИНИ

##### МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Кўп йиллик ҳалол меҳнати, ишлаб чиқариш топшириқларини муваффақиятли бажаргани ва жамоат турмушида фаол қатнашаётгани учун қуйидагиларга Ўзбекистон Республикасининг фахрий унвони берилсин:  
“ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ҚУРУВЧИ”

Абдурахмонов Абдусобир — “Тошкентқурилиш” давлат-акционерлик қурилиш корпорациясига қарашли “Тошмахсусбезакқурилиш” трести 28-қурилиш бошқармасининг сувоқчиси  
Тригулов Ренат Нурмиевич — В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директорининг ўринбосари

Шошувсар Мирали Шоюсупович — “Тошкентқурилиш” давлат-акционерлик қурилиш корпорациясига қарашли 12-трест 49-қурилиш бошқармасининг бошлиғи  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАНСИН:

Аҳмедов Илҳом Асқарович — “Ўзмонтажмахсусқурилиш” уюшмасига қарашли 93-махсус трест “энергомонтаж” Тошкент монтаж бошқармасининг иш бошқарувчиси  
Булатов Абдурахмон Галиевич — “Тошкентқурилиш” давлат-акционерлик қурилиш корпорациясига қарашли 4-қурилиш

трести 39-қурилиш бошқармасининг бригадир  
Мадамиянов Имомали — “Ўзқурилишматериаллари” концернига қарашли Ғазалкент тош йўниш комбинатининг бош муҳандиси

Маматняезов Тўхтар Қосимович — “Тошкентқурилиш” давлат-акционерлик қурилиш корпорациясига қарашли Тошкентдаги 1-уйсозлик комбинати 26-қурилиш бошқармасининг электр пайвандчиси  
Степанов Сергей Георгиевич — “Тошкентқурилиш” давлат-акционерлик қурилиш корпорациясига қарашли тажриба блок уйсозлиги тажриба комбинатининг бош директори

Султонов Абдушукур Ҳалиевич — Республика “Ўзсантехгазмонтаж” ихтисослаштирилган трестига қарашли 2-монтаж бошқармасининг бригадир  
Ҳодихўжаев Тоҳирхўжа — “Тошкентқурилиш” давлат-акционерлик қурилиш корпорациясига қарашли “Тошмахсусбезакқурилиш” трести 28-қурилиш бошқармасининг дурадгори

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти  
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,  
1994 йил 4 июль.

## ҲАР ИШДА ТАРТИБ БЎЛСИН!

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВГА

Ҳурматли Ислам Абдуғаниевич! Кўни кеча Сизнинг фаоллар билан ўтказган йиғилишда куйиб-пишиб, оддий халқни ҳимоя қилиб, жумҳуриятимиз истиқболини кўзлаб сўзлаш нутқингизни телевидение орқали эшитиб, халққа, Ватанга фидойилигингизга иймон келтирдик.

Аммо сизнинг қатор йиғилиб ўтирганларга қарата берган саволларингизга улар лом-мим демаганини, сизга ўз фикр-мулоҳазаларини очиқ сўзлашдан қўрқганини кўриб ҳайрон қолдик. Шошилиш равишда қўлибизга қалам олиб, жонли, ҳаққоний, виждонли сўзлар билан қуйида содир бўлаётган, айниқса халқимизнинг ҳаётига, яшашига, уларнинг бола-чақаларини соғлом авлод бўлиб ўсишига тўсиқ

бўлаётган, қонунга, шариатга хилоф ишларни сиздек халқпарвар Президентимизга маълум қилишга жазм этдик. Кейинги мулоқотда иштирок этадиган, сизга ёрдам бериш ўрнига ўз нафсини кўзлаб ишлаётган айрим ғаразғўй мансабдор шахсларга бизнинг виждонимиз азобланиб ёзган ушбу хатимизни ўқиб эшиттириб, уларнинг очик фикрини билишингизни илтимос қиламиз. Улар биз ёзган фикрга қандай қарайди? Шунда раҳбарнинг сараги-сарак, пучаги-пучак бўлади. Раҳбарки, тили қисик бўлса, ундан халққа бирон манфаат тегмайди, бунинг тарих, ҳаёт исботлаб турибди.

Республикада давлат тафарруфидида идоралар, ўқув масканлари, тиббиёт, нафақа аҳли (Давоми 2-беда).

## ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов 5 июль куни Генри Маллер бошчилигидаги “Тайм инк” корпорацияси делегацияси аъзоларини қабул қилди.

Ислам Каримов меҳмонлар ташрифидан мамнуният изҳор этар экан, Ўзбекистон халқи, мамлакатимизнинг бой тарихи, маданияти, бетақрор мероси ҳақида хорижий мамлакатларда, жумладан, Америка Қўшма Штатларида қанча кўп билишса, шунча фойдали эканини таъкидлади.

Сўхбат чоғида меҳмонлар Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар, сиёсий ва маданий соҳалардаги ўзгаришлар билан танишиш ниятида эканликларини билдирдилар.

(ЎЗА).

## ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

(Давоми. Боши 1-беда).

маблаг билан фақат ҳукумат томонидан таъминланади. Давлат эса бу ишни солиқ сиёсати орқали амалга оширади. Жойлардаги мансабдор шахслар нечоғли жон куйдириб, солиқ жамғармасини "ҳалол" тўпланаётганига қуйидаги мисол орқали сезинг эйтиборингизни жалб қиламиз.

Республикада 600 дан зиёд бозор мавжуд, шундан 140 дан кўпроғи йирик шаҳар бозори. Битта мисол: биз Чорсу бозорида бўлаётган ишларни ўз кўзимиз билан кўрдик. Бозор гавжум, айниқса, шанба, яшанба кунлари юриб бўлмайди. Бозорда савдо-сотиқ қизғин, деҳқончилик маҳсулотларини сотувчилар энг камида 6-7 минг кишини ташкил этади. Паттачининг ҳар қайси сотувчидан бир челақ ёки бир тоғора юки учун 5 минг сўм-купон, ҳатто бошқа бир хил савдо билан шуғулланувчилардан 10-15 минг сўм-купон олиб, патта бермай кетганини кўриб, тавба дея ёқа ушладик. Сиз ўзингиз иқтисодчи, етук мутахассисиз. Ҳисоблаб кўринг, камида 30-40 миллион сўм-купон даромад тушади. Шу давлат хазинасига тушаётми? Кимларнинг чўнтагига тушаётми, бу сағир-етимлар ҳақи бир кунмас бир кун тешиб чиқади-ку! Бундай аҳвол давом этверса, давлат қандай қилиб бойиёди? Ҳўш, бу аҳволда иқтисодий сиёсатни қандай қилиб тўлиқ бажара оламиз?

Бизнинг хатимизни ҳаққоний эканини билишни истасангиз, оддий, харажат талаб қилинмайдиган усул бор. Тошкентдаги йирик бозорларга — мол бозорига, "Ипподром"га ишчи, хизматчи ва депутатлардан иборат бир гуруҳ ишончли кишилар эрта тонгдан бориб, улар ҳар бир сотувчига қонуний патта чекини тарқатсалар, бир кунлик тушум қанча бўлгани, қанчаси харомхўрлар чўнтагига тушиб кетаётганини билиб олиш мумкин. Кейин бунга шаҳар, туман бозоркомлари, назорат қилувчи солиқ бошқармаси раҳбарлари очик жавоб бериши керак! Бизнинг шу саволимизга очик жавоб берсинлар!

Деҳқон пешона тери билан етиштирган маҳсулотни, гўштни бозорга олиб келиб, ўзи ҳоҳлаган нархда сотишни истаёди. Аммо бозорларни эгаллаб олган бир тўда юлғичлар уларни кўрқитиб, бизга шу нархда

(Давоми. Боши 1-беда).

Сотиш Давлат мулк қўмитаси ва унинг худудий бошқармалари томонидан тегишли ҳокимликлар ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг савдо ва хизмат кўрсатиш объектларини ва ер участкаларини хусусий мулк қилиб сотиш ҳақидаги қарорлари тақдим этилганидан кейин қонун ҳужжатлари билан белгиланган ваколатлар доирасида амалга оширилади.

4. Давлат мулк қўмитаси ёки унинг худудий бошқармаси билан янги мулк эгаси ўртасида объектнинг фаолият ихтисосини сақлаб қолиш тўғрисида шартнома тузиш танлов ёки кимовши савдосининг мажбурий шартни ҳисобланади.

Мулк эгаси томонидан объектнинг фаолият ихтисосини сақлаб қолиш ҳақида тузилган шартноманинг шартлари бузилганда объект Давлат мулк қўмитаси томонидан дастлабки нарх бўйича қиймати тўланган ҳолда олиб қўйилади, ер участкаси эса унинг қиймати тўланмасдан олиб қўйилади.

5. Вилоят, туман ва шаҳар ер тузиш хизматлари тегишли худуд бўйича қурилган ва чала қурилган майдонлардаги ер участкаларининг чегараларини (контурларини) натура тарзда белгилаб берадилар ҳамда сотувчига (Давлат мулк қўмитаси ёки унинг худудий бошқармасига) ана шу майдонларнинг ўлчамини тасдиқловчи ҳужжатларни берадилар. Бунда ер майдони савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасининг сотиб олинаётган объект санитария ва технология жиҳатдан фаолият кўрсатишини таъминлаш учун зарур бўлган минимал ўлчамдан

# ҲАР ИШДА ТАРТИБ БЎЛСИН!

сотасан, деб келтирган молини ярим баҳога олиб, икки баравар қимматга сотаётгани учун айниқса ночор, кўп болали меҳнаткашга жабр бўлмоқда. Буни аниқлаш ва олдини олиш учун, бензин танқислиги борасидаги ўзингиз айтган чора-тадбирни қўллаб, 2-3 кун мuddатга хавфсизлик хизмати ходимлари оддий кийиниб, харидор сифатида бозор аҳволи билан киши билмас танишсалар, имкони борича, суратга олиб борсалар, деҳқон қонини сўрувчиларни билиб оладилар. Ана шу далиллар ҳукумат чора кўриши учун асос бўлади. Бу ноҳўя ишнинг тезкорлик билан олди олинмаса, у халқда норозилик уйғонишига сабаб бўлиши мумкин. Ишончимиз комилки, сиз албатта бундай ноҳўя ишнинг олдини олиш чорасини кўрасиз.

Сиз бир гапни тўғри айтдингиз, ҳақиқатан ҳам деҳқон маҳсулотини арзон нархда сотмоқчи бўлса-да, юлғич, муттаҳамларнинг биз айтган нархда сотасан, бўлмаса кунингни кўрсатаман деган сўзини эшитгач, қиммат сотишга мажбур бўляпти. Бозоркомлар эса деҳқон ёнига кириш ўрнига ўзини четга олади. Бу аҳволнинг олди олинмаса, қимматчилик давом этиб, халқ қийналиб қолади, албатта. Сиз шаҳар ҳокимларига топшириқ берсангиз, бу ноҳўя ишнинг ҳам олди олинур, дея умид қиламиз.

Олимплар жон куйдириб, ёш авлоднинг келажagini ўйлаб, кўп марта телевидение, радио, матбуотда ёш болаларни пулга ўргатмаслик, сигарет, газ сувларини кўчаларда соттирмаслик ҳақида ташвишланиб гапирмоқда. Аммо ўз фарзанди келажagini ўйламаган кўплаб ота-оналар болаларини шундай йўлга ўтишга ўргатмоқда. Ота-боболаримиз ҳам "балоғатга етмаган болаларни шундай йўл билан пул топишга ўргатмаган. Бола пулга ўрганса, ундан келажакда қандай яхшилик кутиш мумкин?

Кўча-кўйларда стол қўйиб, ҳеч қандай ҳужжатсиз, патентсиз сигарет, чет эл молларини сотаётган ёшларни кўриб, ёқа ушлайсан киши. Қани давлат солиқ

инспекцияси, қани назоратчилар? Бундан кимлар фойда кўряпти?

Тошкентда неча юз маҳалла бўлса, ҳар маҳаллада 3-4 тадан новвой бор. Ҳаммасининг қўлида патент борми? Уни улар қаердан олади? Илгариги 24 тийинлик оби нонни 1200 сўм-купон, патирни 2500-3000 сўм-купонга сотаяптилар. Уларнинг ҳаммасида патентлари борми-йўқми? Солиқ инспекторлари нима иш қилляпти?

Ҳурматли Ислому Абдуғаниевич! Биз уруш қатнашчилари, меҳнат фахрийлари сизнинг олиб бораётган ишингизни, айниқса, меҳнаткаш халққа қилаётган оталарча ғамхўрлигингизни, республикани буюк давлатлар қаторидан ўрин олиши йўлида қилаётган тинимсиз меҳнатингизни, ички ва ташқи сиёсатингизни қўллаб-қувватлаймиз. Буни кўролмайдиганлар улуғ Аллоҳнинг ғазабига дучор бўлсинлар. Сизга яратганинг ўзи соғ-саломатлик, куч-қувват, сезирлик ато қилсин. Порахўрларга инсоф берсин. Ўткинчи дунё — маишат, деб юравермасдан Аллоҳдан келадиган муқаррар жазони эсга олсинлар. Халқнинг кўз ёшини тўкиб тўплаган дунёсига, жонига, молига келадиган даҳшатли офатларни эсласинлар. Бизлар бундайларни ҳаётда кўп учратганмиз. Шунинг учун ачиниб ёзмоқдамиз. Аллоҳ уларни ҳам инсофга, динга дохил этсин, омин. Агар сиз танлаган раҳбарлар сиздек халқ ғами билан ишласалар, бу Турон ўлкаси дунёдаги энг тараққий этган давлатлардан бирига айланишига ҳамма шароит мавжуд.

Бизнинг куч-қувватимиз бор вақтда шундай адолат ҳукм сурганида, албатта жонимизни фидо қилиб ишлаган бўлур эдик. Афсуски, кексайиб қолдик. Фақат халқ фаровонлигини ошириш учун нима ишлар қилиш кераклигига ақлимиз етади. Ҳаёт бизни онгимизни оширди, кўп нарсани ўргатди, тарбиялади.

Муҳтарам Президентимиз! Биздек кўпни кўрган, турли қийинчиликларни бошидан кечирган, шу азия Турон ўлкасининг ватанпарвар қариялари ёзган мана шу очик

хатни қимматли вақтингизни аямай ўзингиз ўқиб чиқсангиз, хатда ёзилган айрим воқеалардан хабардор бўлиб, навбатдаги мажлисларда шу ишларга масъул бўлган мансабдор шахсларга хатда кўрсатилган ҳақиқат юзасидан савол берсангиз, деб илтимос қиламиз.

Чунки, уларнинг жавобини эшитиб, нима бўлаётганлигини, ким ўз вазифасига содиқ, ким содиқ эмас эканини билиб оласиз. Биз телевидение орқали кузатиб бордик. Уша кунни сўзлаган ҳамма раҳбар хатда кўрсатилган фактларга ўхшаш ишлар хусусида гапиришдан ўзини тортади. Еган оғиз уялади, деган гап — ҳақиқат. Улардан кўпларининг тили қисик. Уларга нима етмаяпти?

Ҳурматли Ислому Абдуғаниевич! Яна кўп фикр-мулоҳазаларни ёзишни лозим деб топсакда, хатнинг чўзилиб кетишини ҳисобга олиб, баён қилинган ноҳўя ишларга барҳам бериш учун тегишли ташкилотлар ёрдамида тезкорлик билан чора кўрилишига ишониб, ушбу хатни мухтасар қилдик.

Биз ҳам ҳаётдан кўп нарсаларни ўрганиб, бошдан оғир кунларни кечирганмиз. Халқ фаровонлигини ошириш борасидаги бизнинг фикр-мулоҳазаларимиз кўп, бирор ишончли вакил келса, биз, кексалар ҳам республиканинг келажак тараққиёти учун баҳоли қудрат фойдали маслаҳатлар беришга тайёрмиз.

Сизга ва бола-чақангизга, сиз билан бирга ҳалол ишлаётган, Турон ўлкасининг гуллашига хизмат қилаётган азамат ўғлонларга яратгандан соғ-саломатлик, узоқ умр, бахт-саодат тилаймиз, омин.

**Тошкент шаҳар, Акмал Икромов туманидаги "Пахтакор" маҳалласи кексалари номидан: Умидов Маҳмуджон, Мирусмонов Жўра, Одилов Миржалол, иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, Мирзаев Йўлдош, Хўжаев Анвар, Бихўжаев Маҳаммадхўжа, Ғуломов Ҳамид, Аюпов Туроб, меҳнат фахрийлари.**

## Вазирлар Маҳкамасининг қарорига 1-илова

### САВДО ВА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ ОБЪЕКТЛАРИНИ УЛАР ЖОЙЛАШГАН ЕР УЧАСТКАЛАРИ БИЛАН БИРГАЛИКДА ХУСУСИЙ МУЛК ҚИЛИБ СОТИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА ВАҚТИНЧАЛИК НИЗОМ

ошмаслиги зарур.

6. Ишлаб турган ва қурилиши тугалланмаган савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектларини ер участкалари билан биргаликда хусусий мулк қилиб сотишдан тушган маблағлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Республика кўчмас мулк биржасининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида" 1994 йил 29 апрелдаги 228-сон қарорига мувофиқ давлат мулк қўмитаси ёки унинг худудий бошқармаси ҳамда тегишли ҳокимликлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасида тақсимланади.

7. Танлов ёки кимовши савдоси ғолибига давлат мулк қўмитаси ёки унинг худудий бошқармаси томонидан уни кейинчалик тегишли ҳокимликлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида рўйхатдан ўтказиш учун белгиланган тартибда ер участкасига эғалик қилиш ҳуқуқини берувчи давлат далолатномаси берилади.

8. Турар жойларда ёки маъмурий биноларда жойлашган савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари банд қилган ер участкалари хусусий мулк қилиб сотилмайди.

9. Ер участкаларига табақалаштирилган бошлангич (дастлабки) нархларни белгилаш

мақсадида бу участкалар қаерда жойлашганлигига, муҳандислик коммуникациялари билан таъминланганлигига, архитектура ва бошқа хусусиятларига боғлиқ равишда тегишли шаҳарлар ва туманлар ҳокимликларнинг қарорлари билан минтақалар худуди куйидаги зоналарга бўлинади:

Тошкент шаҳрида — 14 зонага;  
Вилоят марказларида ҳамда аҳолиси 100 минг кишидан ортик бўлган шаҳарларда — 4 зонага;  
Аҳолиси 100 минг кишидан кам бўлган шаҳарларда — 3 зонага;  
шаҳарчаларда — 2 зонага.

10. Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари ер участкалари билан биргаликда танлов бўйича ва кимовши савдосида хусусий мулк қилиб сотилаётганда объектнинг ва ер участкасининг нархини ўз ичига олган ягона бошлангич нарх белгиланади.

11. Ер майдони бирлигининг бошлангич нархи Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикасининг 1994 йилги бюджетининг асосий кўрсаткичлари тўғрисида" 1993 йил 31 декабрдаги 615-сон қарори (6-илованинг 1,2-жадваллари ва 3-жадвалидаги 2-устун) билан тасдиқланган корхоналар, муассасалар, ташкилотлардан олинадиган ер солиғи ставкасининг 50

баравари миқдоридан белгиланади.

Бозор шароитлари ўзгаришларини ҳисобга олган ҳолда давлат мулк қўмитаси томонидан молия вазирлиги билан келишган ҳолда ер майдони бирлигининг бошлангич нархига оширувчи коэффициентлар жорий этилиши мумкин.

Архитектура ёдгорликларига эга бўлган шаҳарларда уларга яқин жойлашган ер участкаларининг бошлангич нархи 3 баравар кўпаяди. Оширилган бошлангич нархлар белгиланмаган зоналарнинг чегаралари тегишли шаҳарлар ҳокимликларининг қарорлари билан тасдиқланади.

12. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Нукус шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси шаҳарлари ва бошқа аҳоли яшаш жойлари бўйича танлов орқали ва кимовши савдосида сотиладиган савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари учун мўлжалланган ер участкаларининг бошлангич нархини мазкур низомига мувофиқ белгиланган тартибда аниқлайди ва тасдиқлайди.

13. Битишувларни ехуд ер участкаларини хусусий мулк қилиб сотиш шартларини ҳақиқий эмас деб ҳисоблаш тўғрисидаги низолар тегишли суд томонидан кўриб чиқилади.

## Вазирлар Маҳкамасининг қарорига 2-илова

### ХУСУСИЙ МУЛК ҚИЛИБ БЕРИЛМАЙДИГАН ЕРЛАР РЎЙХАТИ

Умумий фойдаланишдаги ерлар (майдонлар, кўчалар, тор кўчалар, йўллар, соҳил бўйлари, истироҳат боғлари, скверлар, ҳиебонлар, ҳовузлар, пляжлар ва бошқалар).

Табиат ёдгорликлари, ботаника боғлари ерлари.

Соғломлаштириш ва тарихий-маданий мақсадларга мўлжалланган ерлар.

Қишлоқ хўжалигини юритиш, ер ости бойликларидан фойдаланиш ва уларни қўриқлаш учун берилган ерлар.

Хавфли моддалар билан заҳарланган ва биоген заҳарланишга учраган ерлар.

Шаҳарларни ривожлантириш бош режаларида, мукамал режалаштириш лойиҳаларида ва объектларни (савдо ва хизмат кўрсатиш объектларидан ташқари) жойлаштириш схемаларида назарда тутилган ерлар.

Магистрал йўлларга туташ ерлар.

Электр қуввати узатиш линиялари, кабел линиялари ва подстанциялар, иссиқлик, водопровод ва канализация трассалари ҳамда газ қувурлари, умумдавлат алоқа линиялари учун ажратилган ерлар ва улардаги иншоотлар.



СОФ ҲАВО, ТИНИҚ СУВ, ТОЗА ТУПРОҚ УЧУН!

# ТАБИАТ ВА ИНСОН

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ТАБИАТНИ МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ ҚҰМИТАСИ САҲИФАСИ

## ИШИМИЗ КЎЛАМИ БЕВИЁСДИР

Бугунга келиб экологик муаммо ниҳоятда ўткир ва долзарб бўлиб қолди. Айтиш мумкинки, умуман инсониятнинг ўзига жуда катта хавф туғдирмоқда. Агар табиатни ифлослантириш ҳозирги вақтдаги миқёсларда давом этаверадиган бўлса, унинг оқибатлари ниҳоятда хунук бўлиши мумкинки, бу ҳақда бирор аниқ фикрни айтиш ҳам мушкулдир.

Чунки асримизнинг олтинчи ва етмишинчи йилларида атроф муҳитнинг ҳолати ниҳоятда ноқулай бўлиб қолди. Шунинг учун ҳам у бутун дунда катта ташвиш туғдирмоқда. Инсониятнинг табиатга ҳужуми ниҳоятда катта миқёсларда давом этмоқда. Шунини айтиш кифояки, ҳар йили ер қаъридан юз миллиард тоннадан ортиқ турли хил моддалар қазиб олинмоқда, саккиз юз миллион тонна қора металл эритилипти, табиатга маълум бўлмаган олтинчи миллион тоннадан ортиқ синтетик материаллар ишлаб чиқарилмоқда. Бундан ташқари, бир йилда тупроққа 500 миллион тоннагача минерал ўғитлари солинипти. Қишлоқ хўжалик зараркундаларига қарши кураш учун салкам 8 миллион тонна захарли кимевий моддалар ишлатилипти. Ишлаб чиқарилаётган органик, кимевий бирикмалар тури 150 тадан ошиб, ҳажми 300 миллион тоннага етмоқда.

Саноат корхоналари, энергетика мажмуалари, транспорти бир йилда 20 миллиард тоннадан ортиқ карбонат ангидридни атмосферага чиқармоқда. Бошқа буг ва газ шаклидаги бирикмалар 700 миллион тоннага етмоқда. Ернинг сув бойлигига ҳам инсоният қайтариб бўлмас даражада таъсир кўрсатмоқда. Фақатгина жаҳон океанига ҳар йил 6—10 миллион тонна хом нефть ва нефть маҳсулотлари қўшилипти. Қаттиқ моддалар ҳажми эса деярли 17,5 миллион тоннани ташкил этмоқда. Шунини айтиш керакки, сугориш учун, саноат ишлаб чиқариши, инсониятнинг ҳаётини таъминлаш учун дарё сувларининг 13 фоизи фойдалангани ҳолда сув омборларига ҳар йили 500 миллиард куб метр қуюқ чиқиндилар ташланмоқда. Уларни зарарсизлантириш учун табиий соф сувни 5-12 баравар кўпайтириш лозим.

Бу рақамлар табиатта инсоният етказётган зарар ҳақида умумий тушунча беради. Албатта табиат ҳам шунга яраша жавоб қайтармоқда. Шундай таъсир туфайли ўзининг қайта тикланиш қобилиятини йўқотаётган табиат қийин аҳволга тушиб қолмоқда. Бу билан у инсониятга ўзига келтирилаётган зарар учун жавоб қайтармоқда.

Чунинчи, мутахассисларнинг ҳисоблаб чиқишича, атмосфера ҳавосини ифлослантиришнинг икки баравар ошиши саноат асбоб-ускуналарининг тўла ҳамда ўрта таъмирлашгача иш муддатини бир ярим баравар қисқартирар экан. Энг хавфлиси шундаки, айниқса, саноати ривожланган ҳудудларда кишиларнинг кўплаб касалланишига олиб келади.

Тиббиётчиларнинг фикрича, саноат корхоналари чиқиндиларида инсон саломатлигига зарар келтирувчи 150 хилгача бўлган турли моддалар бор. Кейинги вақтларда кислотали емғирлар ёғиш ҳоллари ҳам содир бўлмоқда. Бу атмосфера ҳавосида олтингургут ва азот оксидларининг кўпайиши оқибатидир.

Шу туфайли эндиликда инсоният олдида катта вазифа кўндаланг бўлиб қолди. Экологик бухроннинг олдини олиш лозим. Бу катта ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий аҳамиятга эга вазифадир.

Ҳозирги экологик муаммоларнинг мураккаблиги шундаки, у умуман бутун инсониятнинг, шу жумладан алоҳида ҳар бир инсоннинг ҳаётини муҳим манфаатларига чуқур зарар келтирмоқда. Курраи заманимизнинг мусоффолигини таъминлаш учун экологик муаммоларни ҳал қилиш юзасидан зарур чораларни зудлик билан кўриш лозим бўлиб қолди. Эндиликда бу ҳаммага аёндыр. Шунинг учун ҳам турли хил экологик партиялар ва ташкилотлар тузилмоқда. Оммавий экологик ҳаракатлар шаклланипти. Турли хил экологик намойишлар ўтказилмоқда. Буларнинг ҳаммаси жамоатчиликнинг таркиб топган экологик вазиятга муносабатидир.

1972 йилнинг июнида Стокгольм шаҳрида БМТнинг атроф муҳит бўйича конференцияси бўлиб ўтди. Конференция ҳар йили атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳалқаро кунини ўтказишни таклиф қилди ҳамда барча мамлакатлар бу кунни миллий даражада нишонлашга даъват қилди. Бу кун бизнинг мустақил Ўзбекистонимизда ҳам нишонланмоқда.

Чунки экологик муаммолар бизнинг мамлакатимизда ҳам тўлиб-тошиб етипти. Ўзбекистон Урта Осиё ҳудудининг саноати ривожланган, демек экологик муаммолари йирик бўлган минтақасидир. Бу ерда саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши, қурилиш саноати ва транспорт ниҳоятда ривожланган. Улар ўз навбатида атроф-муҳитнинг ҳолатига салбий таъсир қилмоқда. Шунинг учун ҳам экологик аҳволни яхшилаш мақсадларида бутун республикамизда, жумладан, вилоятимизда республика ва вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмиталари тузилди.

Шу ўтган беш йил мобайнида вилоятимиз қўмитаси экологик аҳволни яхшилаш бўйича қандай ишларни амалга оширди? Бу саволга қисқача жавоб бериб ўтмоқчимиз. Қўмита ўз фаолиятининг дастлабки босқичида вилоятдаги умумий экологик ҳолатни аниқлаш бўйича иш олиб борди. Бу ишларнинг натижаси вилоятда экологик аҳволнинг дастлабки тавсифномасини тузиш ҳамда табиатни муҳофаза қилиш фаолиятида устивор йўналишларни аниқлаш имконини берди. Бу йўналишларга қўмитада ишлаб чиқилган "Табиатдан фойдаланиш ва

атроф муҳитни муҳофаза қилишнинг 2005 йилгача мўлжалланган дастур"да алоҳида эътибор берилди. Бу дастурни 1991 йилда халқ депутатлари Тошкент вилоят кенгашининг сессияси маъқуллади.

Шу дастурда табиатни муҳофаза қилиш бўйича чоралар мажмуаси ишлаб чиқилган. Унда атроф муҳитни ифлослантирувчи барча манбалар ҳисобга олинди ҳамда уларда экологик ҳолатни яхшилаш юзасидан тадбирлар белгиланди. Уларни амалга ошириш ҳисобига 1996 йилгача зарарли моддаларни атмосферага тарқатишни 200 минг тонна камайтириш режалаштирилган. Бу чиқиндиларни энг кўп миқдорда чиқариш меёрларига мувофиқ бўлади. 1997 йилда эса оқова сувларни очиқ сув ҳавзаларига оқизиш тўла тўхтатилади.

Қўмитамиз фаолиятининг асосий йўналиши эса корхоналар ва ташкилотларнинг табиатни муҳофаза қилиш фаолияти устидан давлат назоратини ўрнатишга қаратилгандир. Уларда замонавий талаблар ва қоидаларнинг бажарилиши муттасил текшириб турилади. Айни вақтда қўмитамиз экологик муаммоларни оммавий ахборот воситаларида кенг еритишга ҳам алоҳида эътибор бермоқда.

Қўмитамиз ўз фаолияти бошланганидан бери табиатни муҳофаза қилишда муайян ютуқларга эришди. Кўрилган чора-тадбирлар натижасида вилоятимизнинг барча шаҳарларида атмосферани қатор захарли аралашмалар билан ифлослантириш даражаси сезиларли миқдорда камайди. Шу давр мобайнида бундай чиқиндиларнинг чиқиши 132 минг тонна қисқарди. Ифлосланган оқова сувлар ҳажми йилга 56 миллион куб метрга қисқармоқда.

Қўмитамиз ва унинг жойлардаги бўлинмалари табиатни муҳофаза қилиш қонуни талабларини экологик таълимот ва ўсиб келаётган авлодни тарбиялаш соҳасида бажарилишида фаол қатнашмоқда. Шаҳарлар ва туманларда экологик муаммоларни ўрганиш бўйича курслар ва ўқувлар уюштирилмоқда, мактабларда шу йўналиш бўйича кўрик-танловлар ташкил этиляпти. Тажириба алмашиш учун илмий-амалий конференциялар ташкил этилмоқда, қўмитамиз вилоят мактабларида табиатни муҳофаза қилиш ишлари тажирибасига бағишланган "Табиат ва болалар" рисоласини нашр этди.

Буларнинг ҳаммаси олдимизда турган катта муаммоларни ҳал қилишдаги дастлабки қадамлардир. Ҳали вилоятимизда атроф муҳитни соғломлаштириш учун жуда кўп иш қилишимиз лозим. Қўмитамиз бу хайрли вазифани бажаришга муносиб ҳисса қўшишга бор куч-ғайратини сафарбар этади, барча имкониятларини ишга солади.

Т. ЭРГАШЕВ,

вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси.

●Билағонлар таклиф қилади

### БОЧКАДА БОДРИНГ ЕТИШТИРИШ

Бундай ниҳоятда осон усул билан хатто шаҳарлардаги кўп қаватли иморатлар айвонларида ҳам дурустгина ҳосил етиштириш мумкин. Бунинг учун аввало эски бочка топинг, янгисини ишлатса ҳам бўлади, лекин у увол бўлади-да. Шундай қилиб эски бочкани топиб, айвондаги таглик устига қўясиз-да ичига тупроқ соласиз, албатта муайян миқдорда чирган гўнг ҳам қўясиз. Бочкани атрофи бўйлаб бир неча қатор пиланинг тагидек тешикчалар очасиз. Сўнгра унга бодринг уругини экасиш. Улар кўкариши билан ҳалиги тешикчалардан чиқарасиз, тешикчалар сиртмоқларга айланиб қолади. Кўкарган бодринг туллари сўрига боғлаб бораверасиз. Шундай ташлаб қўйгандан кўра ўсимлик учун бу қулайроқдир.

### ПИЁЗ

#### ТОЗАЛАЙДИ

Ойналар ромлари бўялаётган вақтда пиёз жуда асқотиб қолиши мумкин. Чунки, буюк хар қанча эҳтиёткорлик қилсангиз ҳам ойнага томади. Уни кетказиш учун пиёздан ҳам фойдаланиш мумкин. Бунинг учун пиёз боши ўртасидан иккига бўлинади ва ойна артилади. Бу усул ойналардаги буюк доғларини тез ва осон кетказди.

### ТАМАКИ ҲИДИНИ

#### КЕТКАЗИШ УЧУН

Ўзингиз ухлайдиган хонадаги тамаки ҳидини кетказиш, учун намланган пахмок сочиқни осиб қўйсангиз бас, хид тезда йўқолади. Бундай нохуш хидни кетказишнинг яна бир усули бор. Бунинг учун совиб турган электр лампасига бир неча томчи атир томизилади, сўнгра у ёқилади. Лампа қизиган сари атир хиди хона бўйлаб тарқалиб, тамаки ҳидини йўқотади.

### ЧОЙНАКДАГИ

#### ҚУРИМ

#### ҚОЛМАЙДИ

Чойнакдаги қуримни кетказиш учун унинг ичига хом картошканинг артилган пўсти солинади ва устига сув қуйиб қайнатилади. Юмшаган қурим таёқча билан кўчирилади.

### ТУХУМ УЗОҚ

#### ТУРСИН

#### ДЕСАНГИЗ

Уй соҳибалари тухумни асосан совуттичларда сақлайдилар. Бу жуда тўғри усул. Шундай йўл билан тухумни анча вақтгача сақлаш мумкин. У яна кўпроқ туриши учун учини пастга қилиб териш керак.

## УЙДА ҲАҚИҚАТИ

Тошкент шаҳридаги йигирманчи дарахтлар оддийларидан фарқ ҳунар-техника билим юрти қилади, энг баландининг бўйи эл-пайвандловчиси Рустам лик сантиметрдан ошмайди. Асфандиёров уйда бутун бир ўрмонда етмишга 5-10 йиллик митти яратилган десак, ишонверинг. Бунинг ҳеч қандай Р. Асфандиёров бундай митти муболағаси йўқ. Лекин бу дарахтларни ўстиришни бундан

чорак аср илгари бошлаган эди. Улар ойнавандли пешайвонларда кишли-қировли кунларда ҳам ям-яшил бўлиб этади. Бу ерда игна баргли навлари кўпчиликни ташкил этади. Мевали дарахтлар ҳам бор.

Хонадон соҳиби ва табиат ошиғи бу митти дарахтларни оддий уруғдан ўстиради. Бунинг учун махсус, жуда юпка тупроқ қатлами тайёрлайди, ўсишни чеклайдиган контейнерлар ва бошқа мосламалар ишлатади.

Хайрлашаётганимизда Асфандиёров менга анор мевачасини совға қилди. Уни узиш учун эса тизза чўқди. Мен совғани эҳтиёткорлик билан олдим-да, уни гургут қутисига солдим. "Труд" газетасида шу ҳақда ёзилган.



## ЧОРАЛАР КЎРИЛЯПТИ, ЛЕКИН...

Олмаликдаги "Аммофос" ишлаб чиқариш бирлашмаси азотфосфор ўғитлари тайёрлашга ихтисослашган йирик корхона ҳисобланади. Айни пайтда у атроф-муҳитни ифлослантирувчи манба ҳамдир. Сўнгги вақтларда корхонада табиатни муҳофаза қилиш ишлари кўлами кенгайиб бормоқда. Бирлашма бош муҳандисининг ўринбосари А. Филимонов бу ишга бевосита мутасадди. У табиатни муҳофаза қилиш ишларининг аҳволи ҳақида куйидагиларни гапириб берди:

— Жамоамиз ишлаб чиқараётган минерал ўғитлари қишлоқ хўжалигида, айниқса, пахтачиликда кенг фойдаланишга мўлжалланган. Уларни ишлатиш деҳқончилик ишлари самарасини оширишга ёрдам беради. Шунинг учун ҳам унга талаб сусаймаяпти, балки ортиб бормоқда.

Лекин, биз ўзимизга боғлиқ бўлмаган сабаблар оқибатида корхонамизнинг ишлаб чиқариш қувватидан тўла фойдалана олмаяпмиз. Ўтган йили буюртмачиларга етказиб берилган маҳсулотимизнинг жами ҳажми тўрт юз минг тоннага етар-етмас бўлди. Ваҳоланки, бизда бундан анча кўп маҳсулот ишлаб чиқариш қувватлари мавжуд.

Асосий маҳсулотимиз — аммофос ўғити ишлаб чиқариш технологияси занжирида атроф-муҳитни ифлослантиришга олиб келадиган халқалар анчагина бор. Биринчидан, атмосферага газ кўринишидаги зарарли моддалар чиқарилади. Улар орасида фтор газлари, газ шаклидаги аммиак, карбонат ангидриди, олтингургурт ангидриди, аммофос чанги ва бошқа шундай чиқиндилар бор. Иккинчиси эса қаттиқ чиқиндилардир. Бундай чиқиндилар маҳсус жойларга ташилиб жойлаштирилади. У муайян майдонни эгаллайди. Бундай ер ҳозиргача 240 гектарга етди. Тўпланган қаттиқ чиқинди-фосфогипс ҳажми 51 миллион тоннадан ҳам ошиб кетди.

Ажратилган бундай худудлар ҳосилли ерлар эмас, лекин ҳар ҳолда уларни камроқ эгаллаш керак. Ҳар йили бундай чиқиндилар ҳажми икки ярим миллион тоннагача етмоқда. Аммофос ишлаб чиқаришида оқавалар юзага келмайди, технология тўла биқидир.

Бирлашмамиз атмосферага зарарли моддаларни чиқариш бўйича маҳсус қўлланмаларга эга. Уни Республика Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ҳузурдаги "Атмосфера" лойиҳа-технология илмий-тадқиқот институти ишлаб чиққан. Шунга мувофиқ ва виллоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси билан келишиш асосида ҳар йили қаттиқ чиқиндиларни ишлатиш ва бир жойга тўплашнинг мумкин бўлган ҳажми белгиланади. Кейинги

йилларда унинг миқдори муттасил камайиб бормоқда. Чунончи, ўтган йили унинг ҳажми 2 миллион 59 минг 670 тоннадан ошмаслиги қайд қилинган эди. Амалдагиси бундан анча кам бўлди: у деярли тўққиз юз минг тоннани ташкил этди. Бу йил чиқиндини чиқариш ҳажми 1,4 миллион тоннадан ҳам кам бўлиши лозим. Ҳозирча шу даражадан ошмаяпти. Биз бу тамойилнинг сақланишини таъминлаш учун барча чораларни кўраимиз. Юқорида айтганимиздек, қаттиқ чиқиндилар юзлаб гектар майдонни эгаллаб етипти. Масаланинг иккинчи томони ҳам бор-фосфо-ганчдан дастлабки тонналари қайта ишлаб чиқарилиши бўлмайди? Бу масала ниҳоятда ўткир бўлиб турипти. Уни ҳал қилиш йўлида изланишлар олиб бориляпти. Бирлашмамизда ҳам шундай қилинмоқда, қайта ишлашнинг мақбул технологиясини топиш мақсадида тадқиқот ишлари бошланиб кетганига анча бўлди. Ҳозирнинг ўзидаёқ уни ҳал қилишнинг қатор усуллари ишлаб чиқилди.

Масалан, суви қочирилган фосфоганчнинг дастлабки тонналари қайта ишлаб чиқарилди. Бунинг учун собиқ биринчи навбат аммофос цехидаги асбоб-ускуналар қайта қурилди. Бундай маҳсулотдан бинокорлик материаллари, хусусан, блоклар намуналари олинди. Улар анча мустаҳкам бўлиб, иншоотлар қурилишида бемалол фойдаланилиши мумкин.

Янги технологияларни маромига етказиш учун шу йил май ойининг бошида маҳсус тажриба-синов ишлаб чиқариши ташкил этилди. У зарур асбоб-ускуналар, малакали мутахассислар билан мустаҳкамланади. Агар бу тадбирлар кўнгилдагидек натижа берса, биз бунга қаттиқ ишонамиз, ҳозирги вақтда бекорга ястаниб ётган миллион-миллион тонна фосфоганч қимматли хом ашё бўлиб қолади, табиатни муҳофаза қилишда қўйилган катта қадам бўлади.

Бирлашмамизда атроф муҳитнинг мусоффолигини таъминлашга эътибор олиб бораётганини шундан ҳам билса бўладики, у ҳар ҳафтада ўтадиган ва режанинг бажарилишига бағишланган тезкор йиғилишда, албатта, тилга олинади. Ишлаб чиқариш бўлинмалари раҳбарлари бошқа масалалар қаторида табиатни муҳофаза қилиш ишларининг бориши ҳақида ҳам ҳисобот берадилар. Камчиликлар, сустишлик сабаблари аниқланиб, уларнинг бажарилиши мuddатлари ва масъуллар белгиланади. Ҳар ой, ҳар чофак яқунлари бўйича ёзма ҳисоботлар корхона раҳбарлигига тақдим этилади.

Корхонамизда

"Табиатни

муҳофаза қилишни бошқариш тизими" жорий қилинган. Унда табиатни муҳофаза қилишдаги ютуқлар ва камчиликлар инobatта олинади, бу соҳада режани бажарган, яхши натижаларга эришган бўлинмалар жамоасини рағбатлантириш, қолақларни "жазолаш" тартиби аниқ белгилаб қўйилган. Чунончи, тезкор топширик еки режанинг уddасидан чиқмаган, ишлаб чиқариш чиқиндиларининг ҳажми пасайишини таъминламаган цехлар олиши мумкин бўлган мукофотларнинг анчагина қисмидан маҳрум бўладилар. Агар чиқиндиларни чиқариш миқдори меърайдиган беш фоиз ошиб кетса цех еки участка жамоаси оладиган мукофот бир фоиз камайтиради. Бирлашмада табиатни муҳофаза қилиш ишлари билан шуғулланиш масъулияти бош муҳандиснинг ўринбосари зиммасига юклатилган. Агар бу соҳага раҳбарлик қилишда камчиликларга йўл қўйилса у моддий жазоланади — унга мукофотнинг 40 фоизгача миқдори берилмаслиги мумкин. Чунончи ҳаво ҳавасини муҳофаза қилишга раҳбарлик қилиш ва унга назоратни сусайтирса мукофот ҳажми ўн фоиз камади. Сув ҳавзалари ифлосланишига, фосфоганчни жойлаштириш тартиби бузилишига йўл қўйса ҳам шундай моддий жазоланади. Тупроқ ифлослантирилса ҳам шунча миқдордаги мукофот берилмайди.

Шу тизим бўйича меҳнат бўлими орқали ёзма талаб бўлинмаларга юборилади. Ҳар бир бундай ҳужжат муншийхонада рўйхатдан ўтказилади. Муддатда бажарилмаган ҳар бир талаб учун у зиммасига юклатилган бўлинманинг барча муҳандис-техник ходимларига бериладиган мукофот беш фоиз қисқаради. Ижро этилмаган талаб ижтита бўлса у ўн фоизгача боради. Табиат муҳофазасига қасдан путур етказганлар эса ўртача иш ҳақининг 10 фоиздан 25 фоизгача бўлган қисмидан маҳрум бўладилар. Ҳатто бизда эгаллаб турган лавозимдан бўшатишгача борилади.

Жамоамизда табиат муҳофазасини таъминлаш бўйича бошқа тезкор чора-тадбирлар ҳам кўрилмоқда. Шуларнинг ҳаммаси бу муҳим ва долзарб соҳада ижобий натижаларга олиб келмоқда. Бироқ бу ишда ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар жуда кўп. Бунинг учун катта миқдорда маблағ керак. Биз бозор иктисодиётига ўтиш давридаги барча қийинчиликларга қарамай табиат муҳофазасига эътиборни бир дақиқа ҳам сусайтирмаймиз, унинг янги-янги имкониятларини ишга солишга ҳаракат қиламиз. Корхонамизнинг ҳамон атроф-муҳитни ифлос қилувчи йирик манба бўлиб қолаётганлиги шунга тақозо этмоқда.

## КЎРИК-ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ

Вилоят халқ таълими бошқармаси давр талабларини ҳисобга олиб, мактаб ўқувчилари ўртасида экологик тарбияни кучайтиришга ҳаракат қилмоқда. Шу мақсадда деярли барча таълим босқичларида экологияга бағишланган дарсларни ўтказиш билан чекланмаяпти. Бу муҳим ишнинг бошқа шаклларида ҳам фойдаланилмоқда.

Вилоят ўқитувчилари ва ўқувчиларининг "Табиат ва болалар" мавзуида бўлиб ўтган кўрик-танлови ҳам шу мақсадга қаратилди. Унда деярли барча шаҳарлар ва туманлар вакиллари қатнашдилар. Кимё-биология ва жўрофия ўқитувчиларини ўқувчиларга экологик таълим беришни яхшилаш билан боғлиқ бўлган мавзулардаги маърузалари тингланди, юқори синф талабалари табиатни муҳофаза қилиш мавзуларида чиқишлар қилдилар.

Ҳайъат аъзоларининг қарори билан ўқитувчилар кўрик танловда "Биология ва теварак-атрофни муҳофаза қилиш" мавзуида маъруза қилган Чиноз туманидаги 40-ўрта мактабнинг биология ўқитувчиси Барно Солиева голиб деб топилди ва унга биринчи мукофотли ўрин берилди. Иккинчи, учинчи ўринларни Тошкент туманидаги 22-ўрта мактаб биология ўқитувчиси Муяссар Султонова, Қибрай туманидаги 15-мактабнинг кимё-биология фани муаллими Гавҳар Икромовалар эгаллашди.

Ўқувчилар ўртасидаги бундай ўзига хос беллашувда Ўртачирчиқ туманидаги 30-мактабнинг 9-синф талабаси Наргиза Ғоипованинг "Тошкент денгизининг қишлоқ хўжалигидаги аҳамияти ва экологияси" мавзусидаги маърузаси биринчи ўринга лойик, деб топилди. Ангрендаги 18-мактабнинг 10-синф ўқувчиси Латофат Абдуллаеванинг "Оҳангарон водийси сувларини, ўсимликларини, ҳайвонларини ўрганиш ва муҳофаза қилиш" масаласига бағишланган чиқиши иккинчи даражали мукофотга сазовор бўлди.

Кўрик-танловда шаҳарлар ва туманлар халқ тизимида экологик тарбиянинг йўлга қўйилиши ҳисобга олинди ва бу соҳада яхши натижаларга эришганлар мукофотлар билан тақдирланди.

Кўрик-танлов унинг иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди ва эса қоларли даражада мазмунли ўтди, энг муҳими виллоят ўқувчиларида табиатга асраб-авайлаб муносабатда бўлиш кўникмаларини тарбиялашга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Н. УМАРОВ

## "ДЎСТЛИК БОҒИ" КЕНГАЙДИ

Мактабимизда еш ўлкашунослар тўғараги ишлаб турипти. У ўсиб келаётган еш авлодни экологик тарбиялаш, уларда она-табиатга, бизни ўраб турган атроф муҳит мусоффолигига бефарқ қарамаслик, унга меҳр қўйиш кўникмаларини сингдириш мақсадига хизмат қилмоқда. Тўгарак машғулотларининг мазмунан бой бўлиши, амалиёт билан боғлаб олиб борилиши, табиатнинг кўпчилик билмайдиган сир-асрорлари, ўзига хос ажойиб хусусиятларини қизиқарли баён этилиши тўғаракка аъзо бўлишни истаган ўқувчилар сафи кенгайишига олиб келмоқда.

Шу сабабли тўгаракнинг фаолияти ва умуман билим ўчоғимиз ўқувчилари ўртасида олиб борилаётган ўлкашунослик ишлари эндиликда кўпчиликнинг оғзига тушиб қолди. Бу соҳадаги тажрибамизни ўрганувчилар ҳам кўпайиб бормоқда. Мактабимизда еш ўлкашуносларнинг семинарлари ўтказилаяпти. Яқинда шундай йиғинларнинг навбатдагиси бўлиб ўтди.


Бу галги семинарда виллоятимиз еш ўлкашунослари вакиллари ҳам қатнашдилар. Улар орасида республикамиз пойтахти, виллоятимизнинг кўпгина туманлари мактаблари ўқувчилари бор эди. Еш ўлкашуносларимизга ўз чиқишларини мусиқали суҳбат тарзида олиб борганликлари ҳам йиғилганларга манзур бўлди. Ҳар бир еш ўлкашунос маърузасидан кейин унинг мавзусига оид шеърлар, қўшиқлар ва рақслар ижро этилди. Бу суҳбатнинг жуда жозибали ҳамда қизиқарли бўлишини таъминлади.

Еш ўлкашунослардан Зулфия Абдурахмонова умуман тўгарак фаолияти, хусусан, ўлкани ўрганиш усуллари ҳақида гапирган бўлса, Севара Маҳмадалиеванинг чиқиши қишлоқ топонимикасига бағишланди. Нигора Холматова қишлоқ жўрофияси, Дилбар Мираҳмедова эса унинг тарихи йилномаси билан йиғилганларни таништирдилар.

Мактабимизда ўтган йили ўтказилган шундай йиғинда "Дўстлик боғи"га асос солинган бўлиб унинг биринчи қисми барпо қилинган эди. Бу йил унинг иккинчи қисми бунёд этилди. Йиғиннинг барча қатнашчилари бўлган еш ўлкашунослар турли хил мевали ва манзарали дарахтлар кўчатлари ўтказдилар. Орадан бир неча йил ўтгач бу боғда етиштирилган мевалар дастурхонимизни безатишга шубҳа йўқ. Ҳа, еш ўлкашуносларнинг бундай хайрли ва амалий иши ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга ва кенг ейишга лойик деб ҳисоблаймиз.

Ҳ. ИНОҒОМОВ,

Қибрай туманидаги 16-ўрта мактабнинг олий тоифали ўқитувчиси, Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси.



Ўзбекистон Фанлар академиясининг Ботаника боғида ўстириб парвартиш қилинаётган гуллар ҳилини санаб санаб етиш қийин. Ушбу суратда қувача гулларни кўриб турибсиз.



# УВОЛИ ТУТМАСИН, ТАҒИН...

Сув мавжудотнинг асосидир. Усиз тирик жонни, ям-яшил ўрмонлару яйловларни тасаввур қилиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам халқимиз уни ниҳоятда эъзозлаб, ҳар бир томчисини гавҳарга қиёс қилади, ундан ҳам юқори қўйса қўядики, кам қўймайди. Сувни оби-ҳаёт дейишлиги ҳам шундан. Ота-боболаримиз уни ниҳоятда ардоқлаганлар, ифлослаш у ёқда турсин, ҳатто ҳас-чўп тушишига йўл қўймаганлар. Ҳар бир ҳовлидан оқиб ўтадиган сувдан бошқа максадлар қатори ичиш учун фойдаланилган...

Эндиликдачи тамомила тескари манзарани кўрасиз. Ўзим Тошкент туманида истиқомат қиламан, нафақахўр бўлганим учун сув ҳавзалари атрофида хордик чиқариш, оби-ҳаётнинг оқшини кузатишни жуда-жуда ёқтираман. Шундай пайтда чарчоғинг дарҳол тарқалади, ўзингни енгил ҳис қиласан. Лекин, кўпинча ранжийдиган ҳолатлар ҳам юз беради. Шундай кезларда инсонлардаги бефарқлик, сувга нисбатан, албатта, қанчалик чуқур илдиз отиб кетганлигидан хафа бўласан.

Тумандаги энг йирик сув манбаи Золяриқдир. Унинг қачон бунёд этилганини аниқ айтиш қийин, лекин шуниси маълумки, кўп асрлардан бери ўнлаб қишлоқлар, давлат ва жамоа ҳўжаликларини об-ҳаёт билан таъминлаб турипти. Илгари ундан ичиларди ҳам. Сувни тоза ва ҳузурбахш бўларди. Ичкан сари ичкингиз келаверарди. Мана ярим асрча бўлиб қолдики, у тобора кўпроқ булганмоқда, ичиш учун умуман яроқсиз ҳолга келган. Ҳатто чўмилиш ҳам хавфли бўлиб қолди, сувга аралашган турли зарарли моддалар киши организмга таъсир қилиб, касалликка сабаб бўлиши мумкин.

Канал Кўктерак қишлоғидан ўтганидан кейин сувнинг ифлослик даражаси сезиларли кўтарилади. Сабаб — гишт заводи ва унинг атрофидаги уйлардан чиққан ахлат ва супуриндилар, ифлос оқавалар шу ариққа ташлаб юборилаверади. Ҳатто молхоналар, хожатхоналар, ошхоналарнинг оқавалари қувурлар орқали шу қаналга

оқизиб қўйилган. Темир-терсақларни, айтмайсизми? Айниқса сув қамайганда унинг уюмлари кўзга яққол ташланади.

Яна бир сув манбаи Ҳасанбой ариғидир. Ҳали ҳам эсимда, болалигимизда тандирдан янги узилган иссиқ нонни унга ташлаб оқиёқ қилардик. Ҳозирга келиб унинг суви ҳам ичиш учун яроқсиз ҳолга келган. Ҳасанбой қишлоғида жойлашган вилоят болалар санаторийси раҳбарларнинг бафарқлиги уни ифлослантирапти. Бу ердан кўпгина чикиндилар худди шу ариққа ташланмоқда.

Дарахтлар боғи (Дендропарк) енидан ўтадиган Шўрсўв ариғи ҳақида фақат афсусланиб гапириш мумкин. Унинг ифлосланишига энг кўп "ҳисса" қўшаётган манба Шўро бозоридаги қушхонадир. Бу ерда сўйилган молларнинг чикиндилари шу ариққа оқизиб юборилади. Бунинг оқибатида сувнинг ранги ҳам ўзгариб туради. Бунинг устига Шўрсўв ариғи атрофида юзлаб дала ҳовлилари бор. Уларнинг ҳам чикиндилари, оқавалари шу ариқ сувига қўшилади.

Буларнинг ҳаммаси, аввало, инсон саломатлигига хавф солиши, турли юқумли касалликларнинг пайдо бўлишига олиб келиши билан жиддийдир. Шундай бўлгач бундай ифлослантирувчи манбалар соҳибларига нисбатан кескинроқ чора кўриш, уларнинг танобини тортиб қўйиш вақти келди. Тоқайгача тоза сувимизни ифлослантиришларига йўл қўямиз. Вилоят ва тумanning мутасадди ташкилотлари бу масалага эътибор билан қарашларини истар эдик. Бир-икки корхона-ташкilot раҳбарларининг лоқайдлиги қимматга тушишини, хунук оқибатларга олиб келишини кутмасдан унинг олдини олиш осон-ку?! Бизнингча бу йўл тўғри бўлса керак. Демак, бунинг учун зарур бўлган барча чора-тадбирларни пайсалга солмасдан ҳозироқ амалга ошириш лозим.

**Т. САФАРОВ,**

**Тошкент тумани, Ғ. Абдуллаев номи жамоа ҳўжалиги.**



«Анхор бўйи қанчалик ҳузурбахш.»

## Куюнчак муаллифлар хабар берадилар.

Чиноз шаҳрида ичимлик сув муаммоси кескин турипти, уни бартараф этиш учун чоралар кўрилмапти.

Айтايлик, сиз шаҳримиздасиз. Кўркам кўчаларга, чиройли биноларга назар ташлаб, шубҳасиз шаҳримизга ҳавасингиз ҳам келиши мумкин. Лекин дарҳол усти ялтироқ ичи қалтироқ деган мақол ёдингизга тушади.

Юриб-юриб чанқайсиз, шундай бурилиб водопровод жўмрагини бурайсиз, иккинчиси, учинчисига ўтасиз... сув йўқ.

Овора бўлманг, сув оқмайди, — дейман мен. Бу ҳолдан ҳам қайгураман, хафа бўламан, ҳам ҳижолат тортаман.

Шаҳарда ҳозирги жазирамада ичимлик сув оқадиган тармоқ бамисоли йўқдек. Ҳа шундай.

Шаҳарда тоза ичимлик сувга бўлган талаб йилдан-йилга ортиб бораётир. Уни қондириш учун мавжуд сув ресурслари кифоя қилмай қолаётти. Бу ҳол қатор муаммоларни кўндаланг қилиб қўймоқда.

Аҳолини тоза ичимлик сув билан таъминлаш, унинг танқислигининг олдини олиш, сув ва сувдан фойдаланишни яхшилаш борасида республикамиз раҳбарлиги жуда катта тадбирларни амалга оширмоқда. Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг қонуни қабул қилинганига ҳам бир йилдан ошиб қолди. Кўп жойларда ибратли ишлар қилинди. Бирок Чиноз шаҳрида аҳолини тоза ичимлик сув билан таъминлаш соҳасида бирорта ҳам салмоқли чора кўрилгани йўқ.

Шаҳарда 21 минг аҳоли ёки 5 мингдан ортиқ оила яшайди. Ҳозирги кунда шаҳарда ичимлик сув таъминотида жуда мураккаб вазият таркиб топган. Сув иншоотлари 1957 йилда қурилган, кўп жойларини таъмирлаш лозим.

Ётқизилган қувурлар эскириб, айрим жойлари чириб кетган. Натижада сув таъминотида узил-пишлар кўп юз бермоқда. Шаҳарнинг Усмон Юсупов, Ҳамза, С. Раҳимов, О. Хўжаев, Баҳор, Бўстон кўчаларида челақ кўтариб, сув қидириб юрганларни доим учратасиз. Ким билан ичимлик сув ҳақида гаплашманг хасратидан чанг чиқади.

Дарҳақиқат, уруш катнашчилари ва меҳнат фахрийларининг куйганича бор. Ахир турли юқумли касалликлар мана шу сувсизликдан,

ҳиссаси катта бўлди. Маҳалла аҳолиси пахта тозалаш корхонаси ёрдамида ишларни ташкил қилди. Норинбой ака қувурлар, бетон, хуллас, зарур қурилиш материалларини топди. Лекин шаҳар ҳокимияти бу маҳалла аҳлига ҳеч қандай ёрдам бермади. Қурилган сув иншоотлари ҳамон сув идорасининг балансига олинмаган.

Чиноз шаҳрида марказий канализация 1970 йилда қурилган эди. Унинг тармоқлари қуввати 750 куб метр бўлиб 30 уй-жойга мўлжалланган эди. Ҳозирги вақтда ҳақиқий қуввати 2000 куб метрга етди. Унга 49 та уй, 4-та болалар боғчаси, битта ўрта мактаб уланган. Канализация тармоқлари кучсизлик қилиб, чиқинди ва ифлос сувлар тошиб кетмоқда, ҳар ер-ҳар ер устида халқоблар ҳосил қилган. Шуниси ачинарлики, бундай зарарли оқва болалар боғчалари, 1- ва 2-мактаблар атрофида тўпланиб ётипти. Беруний, У. Юсупов ва Дўстлик кўчаларида оқиб ётипти. Бу ҳолни шаҳар ҳокими кўрса ҳам кўрмасликка олиб юрибди.

Хўш, юқорида номлари қайд этилган кўчалардаги уйларда истиқомат қилувчи кишиларнинг айби нима? Шаҳарда бу одамларнинг дардига қулоқ солувчи топилдими? Лоқайдликка барҳам берилармикан?

Чиноз шаҳар ҳокими бунга қандай жавоб бераркин? Наҳотки ҳоким ваъдабозлик билан иш битмаслигини, муаммо ечилмаслиғино масалалар ҳал бўлмаслигини билмаса? Албатта, билади. Билиб туриб шундай қилишдан ҳайратда қоласан. Қуруқ ваъда беришнинг ҳам чеки бўлиши керак-ку!

**Т. ЭРХЎЖАЕВ,**  
**Чиноз шаҳри.**

## ВАЪДА БИЛАН ИШ БИТСА ЭДИ...

Валентин МИФТАХУДДИ-НОВ, иккинчи гуруҳ уруш ногирони: — Мен У. Юсупов кўчасининг 20-уйида яшайман. Уйимизда ҳар кун асаб бузарлик. Бойси водопроводда сув йўқ. Бу ҳол бир-икки кун бўлса майли эди. Мана икки ойдики, сув умуман йўқ. Сувни икки километр наридан ташиймиз. Шу кўчада истиқомат қилувчи меҳнат фахрийси Мадамин Зикиров, уруш қатнашчиси Эргашбой Суннатуллаевлар ҳам сув йўқлигидан куйиниб гапирдилар.

Жуманиёз, ҚОЗОҚБОЕВ, меҳнат фахрийси: — Мен С. Раҳимов кўчасида яшайман. Шаҳар ҳокимлигига туман водопровод тармоқлари идорасига боравериб чарчадик. Ҳар икки идора раҳбарларининг бунчалик бепарволикларидан ҳайратдамиз. Чинознинг тўрт тарафи ҳам сув билан ўралган бўлсаю ичадиган, сугориш учун фойдаланиладиган сувга зор бўлиб ўтирсак. Бундан йигирма йил илгари Хўжарик сувга тўлиб оқарди. Кўчаларимиз кўм-кўк дарахтга бурканганди. Бугун-чи, ана шу дарахтларнинг 20 фоизи ҳам қолмаган. Сувсизликдан қанча-қанча

ифлосликдан келиб чиқади-ку! Наҳотки бунга шаҳар ҳокими билмаса. Бунга таажжубланасан, киши.

Ўрни келганда шунга ҳам айтиш жоизки, туман сув тармоқлари идорасининг моддий аҳволи огир. Маблаг йўқлиги сабабли сув тармоқларини қуриш ҳамда янгилаш бўйича тадбирларни амалга оширишга имконияти йўқ. Лекин шундай баҳона билан олма пиш, озимга туш қабилида иш юритишдан фойда йўқ-ку! Ҳаракат қилиш керак, ахир! Тадбиркорлик, ташаббускорлик бўлса ҳамма ишнинг уддасидан чиқиш мумкин.

1994 йил баҳорда шаҳар сув таъминотини яхшилаш мақсадида тадбирлар ишлаб чиқилган эди. Ушбу тадбирларда туман алоқа бўлими, савдо базаси худудидagi қудуқларни ҳозирги ишлаётган сув тармоқларига улаш режаланди. Бу иш қисман бажарилди.

«Янгиобод» маҳалласида маҳаллий бюджет ҳисобидан бир миллион сўм сарфлаб қудуқ қазилган. Бу ишни амалга оширишда маҳалла фуқаролари йигинининг раиси Норинбой ака Давлатовнинг

Олимлар лабораториясида

## Ўтлар тозалайди

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг қатор илмий-тадқиқот институтларида экологик муаммоларини ҳал қилишга қаратилган изланишлар мунтазам олиб борилмоқда. Айниқса, мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейин бу соҳадаги ишлар кўлами кенгайиб самараси ортиб бормоқда. Янги-янги лабораториялар ва уларда хизмат қилаётган илм кишилари табиатни муҳофаза қилишни яхшилашга, афроф-муҳит мусоффолигини таъминлашга ёрдам берувчи усулларни кашф қилиш билан шуғулланмоқдалар.

Шу нукта назардан академиянинг ботаника институтида олиб борилаётган ишлар диққатга сазовордир. Бу ерда, айниқса, ифлос оқаваларни биологик усул билан тозалашнинг янги йўларини ишлаб чиқиш соҳасида самарали изланиш олиб бориляпти. Жумладан, турли ўсимликлар ёрдамида сувларни ифлослардан халос қилиш амалда йўлга қўйилди. Бундай сув ўтларини кенг кўламда қўлланиш мумкинлиги исботланди. Оқова сувлар тиндиргичларида, ҳовуларда сув ўтлари ёрдами билан органик ифлослар 80 фоизгача қисқартирилади, бу амалиётда исботланди. Физик — кимёвий усул ишлатилганда эса бу кўрсаткич 40 фоиз атрофида бўлади.

Микробиологик илмий-тадқиқот институтида кўп йиллик илмий тадқиқотлар натижасида турли хил оқаваларни биологик тозалашнинг қатор самарали усуллари ишлаб чиқилди. Улар чўқаччилик комплекслари, паррандачилик фабрикалари, луб заводлари оқаваларини тозалашда жуда кўп келмоқда. Ҳозирги вақтда у «Электрим» саноти ишлаб чиқариш бирлашмасида, Занғиота туманидаги «Ўзбекистон» паррандачилик фабрикасида, Оҳангарон туманидаги «Янгиҳаёт» ҳўжалигида, Жумабозор луб заводида, Бўстонлик туманидаги қатор дам олиш уйларида жорий қилинган. Бу усулни бошқа жойлардаги оқаваларни тозалашда ҳам ишлатиш фақат фойдадан ҳоли бўлмас эди. Бунинг учун юқорида номлари айтилган илмий-тадқиқот институтига мурожаат қилиш лозим. Олимлар ёрдам беришга тайёрлар.

**Ч. ПЕРЕПЕЛИЦНА.**



Бу йил қиш фасли олдинги йиллардагига нисбатан анча совуқ келди. Ўзи ҳам беш ойча давом этди. Бунинг устига ёгингарчилик кўп бўлди. Айниқса, қор қалин ёғди. Айрим жойларда қалинлиги бир неча метрга борди. Бу ҳамма учун, айниқса тоғ ёнбағирларида яшовчи аҳоли учун ҳам, чорвага ҳам, тоғлардаги ҳайвонот оламига ҳам қўшимча қийинчиликлар туғдирди. Ҳатто маккор ва муғомбир бўриларнинг ваҳшиёна насибаларини қидириб топишлари мушкуллашди.

Ёввойи жониворларга хуруж қилиш осон келмайдиган бўлиб қолди. Шу туфайли оч қолган бўрилар яқин атрофлардаги қишлоқларга тез-тез "қадам ранжида" қиладиган бўлди, жамоа ва шахсий чорва молларига ҳужум қилишдан ҳам ҳайиқмай қолди. Ҳатто хонадонлар молхоналаридаги жониворларни ҳам бўғизлаб ташлаш ҳоллари содир бўла бошлади. Очкўз йиртқиқларнинг бундай ваҳшийликларига қарши кескин курашиш зарур бўлиб қолди, акс ҳолда у чорвачиликка катта ҳажмда зарар келтириши мумкин эди. Шунинг ҳисобига олган Ўзбекистон Республикаси бош овчилик хўжалиги шу йилнинг январда махсус буйруқ чиқариб, ҳамма жойда бўриларга қарши оммавий курашиш вазифини кўйди.

Оҳангарон тумани овчилари ҳам бу кўрсатмани бажаришга ҳисса қўшишни ўзларининг бурчлари, деб билдилар ва қишли-қировли кунларнинг совуғига, ноқулайлигига қарамасдан ваҳшийларга қирон келтиришга отландилар. Туман бош ўрмончиси Худоевхон Саидкаримов бўрини ов қилиш тажрибасига эга бўлган овчиларни маслаҳатга чақирди, улар

билан бўрилар кўпроқ бўлиши эҳтимоли бор жойларни белгилади. Сўнгра овчилардан иборат гуруҳлар тuzилди, уларнинг ҳар бири муайян йўналиш бўйлаб ҳаракат қиладиган бўлди.

Бўриларни топиш осон бўлмади. Маккор ваҳшийлар овчилар шарпасини узоқдан пайқаб, бир зумда кўздан ғойиб бўлар эдилар. Бунинг устига қалин ёққан қор овчиларни тезда

деган жойда ҳам худди шундай бўлди. Бу ердаги тўдада ўн битта бўри бор эди. Ҳа, улар ҳақиқатдан ҳам кўпайиб кетган эди.

— Бўриларни қўлга тушириш учун эса улардан ҳам муғомбир, хийлагар бўлиш керак,— бош ўрмончи Худоевхон ака Саидкаримов доим шундай дейди. Уларга тик бориб бўлмайди, яқинига келтирмай ғойиб бўлади. Фақат алдаш йўли билан

турган овчи милтиқ тепкисини босди. Унинг овози чор атрофга таралиб, акс садо берди. Қор жойидан ўқ еган бўри ҳавога бир кўтарилди-ю, ерга чалқанчасига қулаб тушди. Жон-жаҳди билан бироз тийирчилаб ётган ваҳший жимиб қолди. Худоевхон ака унинг олдига келганида оғзи-бурнидан қон келиб, кўзлари очик ётарди. Овчининг бу жасорати муносиб тақдирланди. Чунки битта бўрини ўлдириш билан неча ўнлаб чорва моллари омон қоладиган бўлди.

Орадан бир кун ўтар-ўтмас яна бир хушхабар тарқалди. Бу гал у Қорабоғ аҳоли манзилгоҳидан тарқалди. Овчи Ҳ. Қодиров яна бир йиртқиқни ер тишлатган эди. Унинг исми шарифи ҳам қишлоқдагилар томонидан ҳурмат билан тилга олинди.

Ёввойи жониворлар, чорванинг ҳам ашаддий қушандаси ҳисобланган бу ваҳший жонзотга қарши кураш ҳамон давом этмоқда. Кейинги вақтларда Оҳангарон туманининг барча тоғ ва тоғолди минтақаларида бўри ови бораётганлиги, бунинг натижасида йиртқиқлар ҳозирча оз бўлса ҳам камаётганлиги ҳақидаги хабарлар келиб турипти. Бу тадбирни қишин-езин тўхтовсиз давом эттириш, овчиларнинг машаққатли ва хавфли меҳнатини муносиб тақдирлаш, уларга бериладиган мукофотларни кўпайтириш, қисқаси уларнинг манфаатдорлигини ошириш лозим. Чунки битта ваҳшийни қидириб топиш ва отиб ўлдириш учун соатлар эмас, кунлар, ҳафталар керак бўлишини ҳисобга олиш лозим.

**М. ҲАМИДОВ,  
М. МУҲАМЕДОВ,  
Оҳангарон тумани.**

## ЙИРТҚИЧЛАР ЕР ТИШЛАДИ

чарчатиб қўярди, югуриш у ёқда турсин тез юриш ҳам амри маҳол эди.

Ниҳоят Санғурон деган жойда бўрилар тўдасига дуч келинди. Тўдадаги ваҳшийларни санашган эди, ўн учта экан. Лекин йиртқиқлар анча узоқда эди, ов қилиш қийин бўлганлиги учун ҳам бир тўдага шунча бўри тўпланганди. Бундай ҳол камдан кам учрайди. Ваҳшийлар овчиларни сезиб қолиб, бир зумда ўзларини қалин ўрмон ичига олиб кўздан ғойиб бўлдилар. Уларнинг изидан бориш бефойда эди. Чунки, жуфтаки тез ростлаб қолади, бу конхўрлар. Начора, қуруқ қайтишга тўғри келди, қувганинг билан етказмайди, фақат билдирмай, агар шабада эсаётган бўлса ҳам унга тескари томондан яқинлашиш мумкин, хобос. Акс ҳолда овора бўлганинг қолади. Лекин бўрилар тўпи турган жойни билиб олишининг ўзи ҳам фойдадан ҳоли бўлмайди. Олмали

гафлатда қолдириш мумкин.

Бош ўрмончи бўриларнинг қатнаш йўлини синчиклаб ўрганди. Одатда улар бир жойга ўлжага кетма-кет бормайди. Йўналишини тез-тез ўзгартириб туради. Моҳир ва тажрибали овчиларгина бунинг фарқига борадилар, навбатдаги йўналишини қандайдир ички идрок билан ҳис қила оладилар. Х. Саидкаримов Эртош деган жойда пистирма кўйди. Бўрилар келадиган томонни тахмин қилиб пойлаб ётди. Орадан қанча вақт ўтганини пайқамасди, бутун вужудинг билан кўз-қулоқ бўлиб турсанг шундай бўлар экан. Қош ҳам бўрига бошлади. Шу вақт чамаси икки юз метрча нарида танҳо бўри кўринди. У қимирламасдан бирмунча туриб қолди, теварак-атрофини олазарак бўлиб кузатди, шубҳали ҳеч нарса сезмади шекилли, секин қадам ташлай бошлаган эди ҳамки уни мўлжалга олиб

## БОЛА БОШИДАН ТАБИАТНИ СЕВСА...

Шаҳримиздаги ўнлаб sanoat корхоналари ва ташкилотлар ўзларининг чиқиндилари, оқава сувлари билан табиатга катта зарар келтирмоқда. Лекин, бу билан экологияни яхшилаш иши ташлаб қўйилган экан, деган хулосага келмаслик лозим. Бу соҳада ҳар йили кенг кўламда чоратдбирлар амалга оширилмоқда. Натижада шаҳримиз ҳавоси тобора яхшиланиб борапти. Буни мамнуният билан қайд қилиш лозим.

Лекин, шунга қарамай умуман экологик аҳволни кўнгилдагидек, деб бўлмайди. Уни талаб даражасига келтириш учун ҳали кўп иш қилиш, катта ҳажмда маблағ сарфлаш лозим. Айни пайтда меҳнаткашлар ўртасида экология таълимини ҳам кучайтириш талаб қилинади.

Мактабимизнинг педагогик жамоаси шунинг ҳисобига олиб, ўқувчиларда табиатга асраб-авайлаб муносабатда бўлиш кўникмаларини шакллантиришга катта эътибор бермоқда. Ҳар бир синфда экология дарслари ўтиладиган бўлиб қолди. Айни вақтда бу ишнинг шаклларида ҳам фойдаланилмоқда. Шуларнинг ҳаммаси экологик таълим самарадорлигини оширишга ёрдам бермоқда.

Буни ҳар йили шаҳар мактаблари ўртасида экологияга бағишлаб ўтказилаётган кўрик-конкурсларда мактабимиз ўқувчилари доим мукофотли ўринни эгаллаётганлари ҳам кўрсатмоқда. Утган йили эса фахрли биринчи ўринни олишга муяссар бўлдик.

Мактабимизда табиат муҳофазасига бағишланган "Экология ва ҳаёт" беллашувларини уюштириш ҳам анъана бўлиб қолди. Унда ўқувчилардан ташкил этилган командалар ўзаро куч синашадилар. Яқинда "Шифокор" ва "Экосан" гуруҳлари ўзаро беллашдилар. Учтинчи синф ўқувчиларини бирлаштирган "Шифокор" командаси минг бир дардга даво — исриқ ўсимлигини кишилар саломатлиги учун ниҳоятда зарурлигини намойиш этдилар. Ўн биринчи синф ўқувчиларининг "Экосан" командаси эса ҳажвий чиқишлар қилиб, экологияга бефарқ қаровчи раҳбар ходимларни танқид остига олишди. Улар рақамлар асосида Оҳангарон, Олмалик, Ангрен шаҳарларида таркиб топган бутунги мураккаб экологик аҳволни кўрсатиб, расми ҳажвий деворий газеталарни ҳам намойиш этишди. Беллашув голибларига совғалар, ёрликлар топширилди. Бундай беллашувларни бошқа синфлар ўқувчилари ўртасида ҳам ўтказиб тураемиз.

**П. МЕНИҚУЛОВА,  
Оҳангарондаги Алишер Навоий номли 1-ўрта  
мактабнинг биология фани ўқитувчиси.**

Бу воқеа содир бўлганидан

бери анча вақт ўтган бўлса-да, ҳали-ҳали кечагидек кўз олдимдан кетмайди. Ёзининг иссиқ кунларида уйимиз ёнидаги ўрик дарахти остидаги салқин жойга қўйилган катта темир қаравотда ҳордик чикарардик. Тунларда шу ерда ухлардик. Кунларнинг бирида эрталаб эски уй томи тагига узун чипор илон кириб кетаётганини кўрдик. Биз унга тош отмоқчи бўлган эдик катталар тўхтатишди. Илонга тегманглар, у ҳам сизга тегмайди, акс ҳолда зарар етказиши ҳам мумкин, дейишди. Чипор илон

эса бир неча марта томдаги бўғотлар орасига қўйилган мусича, чумчуқ инларига кириб чиқар, палапонларни паққос туширгани қорни қаппайганидан билиниб турарди. Она паррандалар қанчалик чуғурлашмасин унга қарши ҳеч нарса қилишолмас, фаред қилиб қолишаварарди. Биз бундан газабланардик, лекин катталарнинг айтганидан чиқолмасдик, ўзимизга ҳам зарар

келтиришидан ҳайиқардик.

Уйимизда бир мушугимиз ҳам бўларди. У бизга жуда ўрганган эди. Бир-икки марта илонни кўрсатганимизда жунлари хурпайиб, кўзлари ёнар, қулоқлари диккайиб, дахшатли киефага кирарди, шундай миевляб кўярдики, мен ҳеч вақт бундай ваҳимали миевляшини эшитмаган эдим.

## МУШУК — ХАЛОСҚОР

Мушугимиз доим бизлар билан ёнма-ён, гоҳида оёқ томонда кўрпача устида, гоҳида бош томонда хуррак отиб ухларди. Баъзида ўткир зехни билан нималаргадир тикилиб қоларди. Бир куни негадир хафа бўлиб, уйқум қочиб юлдуз санаб ётгандим, бир пайт мушугимиз нима биландир олишаётганлигини кўрдим. Дарҳол енига борган эдим мушук ўзини четга олди, ерда эса

илоннинг ётганини кўрдим. Илон холсиз қимирларди. "Нега бу қочиб кетмаяпти" деб тикилиб қарасам икки кўзи йўқ, қон кўринди. Сил нарироқда қаравот тагига мушугимиз унга қараб тикилиб турарди.

Кечаси биз томонга келаётган илонни кўриб икки кўзини тирноғи билан ўйиб олибди, шекилли. Илоннинг қаравотга чиқаётганини ёки томдан тушганини билолмадим, лекин у бизга бирор зарар етказиш учун келаётганида, мушук унинг кўзидан жудо қилгани аниқ равшан бўлди. Орадан уч-тўрт кунча вақт ўтгач мушугимиз молхонадаги жўжаларга кириб бораётган катта илонни ҳам бошидан тишлаб ғажиб ташлади. Мушук ҳам инсонни нохушлиқдан ҳалос қилишига яна бир бор гувоҳ бўлдим. Бу унинг эгасига, унинг берган нон-тузига содиқлиги далилидир.

**И. ҚОСИМОВ.**

## ҲАР ТЎҒРИДА АЙЛАНИШИ СЕКИНЛАШМОҚДА

"Курьер ЮНЕСКО" журналида босилган бу хабар ҳамма учун қизиқарли бўлишига шубҳа йўқ. Унга ёзилишича сўнгги 3000 йил давомида Ернинг Куеш атрофида айланиши сусайиб кетган.

Бундан 300-400 миллион йил илгари Ер Куеш атрофидан ҳозирги вақтгаддек 365 кунда эмас, балки 400 кунда айланиб ўтган. Америкалик олимнинг ҳисоб-китобларига қараганда қурраи заминимизнинг айланиш тезлиги даҳқатнинг қирик етти мингдан бир бўлагича сустлашган.

## БАЛИҚ ВА САРАТОН КАСАЛИ

Бир неча йилдан бери АҚШ нинг қатор штатларида чучук сувларда яшовчи балиқларнинг саратон касалига мубтало бўлганлиги аниқланмоқда.

Балиқларнинг бундай оғир касалликлар билан оғриши бевосита дарёлар ва бошқа сув ҳавзаларига саноат ишлаб чиқариши чиқиндилари ташланиши, оқавалари оқизилиши билан боғлиқлигини исботловчи далиллар кўп. Шундай чиқиндилар билан булғатилган дарёлар ва кўлларда саратон шиши ҳосил бўлган балиқлар учрамоқда. Инсон учун фақат шундай шишларнинг ўзигина эмас, шу билан бирга касалликка мубтало бўлган лукмаи ҳалолларнинг тановул қилиниши хавфлидир, деб ёзади "Аляска" журнали.

## НОМАЪЛУМ МАҲЛУҚНИ ИЗЛАШГА ОТЛАНИШДИ

Америкалик биолог Д. Оурен ва бразилиялик палеонтолог А. Рансилар бошчилигидаги илмий экспедиция яқин кунларда Амазонка чангалзорларига боришга отланишди, бундан мақсад кишиларга ҳамла қиладиган одамхўр маҳлуқни қидириб топишдир. Бу маҳлуқ Бразилиянинг Боливия билан чегарадош бўлган Акра штатидаги индейларнинг Севгили кўргонида изгиб юрганлиги аниқланди. Бу ерда яшовчилардан беш киши изсиз йўқолган. Айтишларича, улар шу маҳлуқнинг қурбони бўлишган.

Олимлар бу маҳлуқ ўлкаларда бундан ўн минг йил илгари яшаган баҳайбат айиқлардан бўлса керак, деган фикрни билдиришяпти. Бундай ваҳшийлар иқлим кескин ўзгариши оқибатида йўқ бўлиб кетган эди. Ҳайвон вазни 200-300 килограмм бўлиб, ўзидан инсонларга ҳалокатли таъсир қилувчи бадбўй хид чикарса керак, деб ҳисоблашяпти.

## ОДАМХЎР ЙЎЛБАРСЛАР

Бангладеш ўрмонларида одамхўр йўлбарслар пайдо бўлди. Ҳозир ўрмончилар ва балиқчилар одатда инсонлар билан учрашишдан узоқда юришга ўрганган йўлбарсларга нима сабабли ёқмай қолганликлари маълум эмас. Бу касб эгалари тез-тез ваҳшийлар қурбони бўлмоқда. Фақатгина май ойда маҳлуқлар томонидан ўн киши ғажиб ташланди, уч киши эса оғир жароҳат олди.



Ётиб қолгунча, ўсиб қол, ушбу дарахт суратига шундай таглик ёзишни лозим деб ҳисобладик.  
**Даврон АХМАД ва Холмаг МИРЗАКАРИМОВ**лар олган суратлар.

Ушбу саҳифа материалларини вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ва "Тошкент ҳақиқати" ходимлари тайёрлашган.



• **Ғалла ўрими кундалиги**

# ОЛТИН БОШОҚЛАР

• **Вилоят ҳоқими қарори изидан**

Оҳангарон азалдан ўзининг лалмикор ерлари билан машҳур бўлган, ғаллачиликка ихтисослашган туман ҳисобланади. Туман хўжаликларида буғдой ва арпа экинларини етиштириб, улардан мўл ҳосил олиш имкониятлари катта. Ана шу мавжуд шарт-шароитлардан унумли фойдаланиб келаётган ғаллакорлар йил сайин сифатли дон маҳсулотлари тайёрлашга эришмоқдалар. Ҳозир туманда айни ғалла ўрими қизғин паллага кирган. Гарчи мавсум бошида дон маҳсулотлари тайёрлашда бирмунча сусткашликларга йўл қўйилган бўлса-да, ўтган ҳафтадан бошлаб суръатни ўсганлиги сезилмоқда. Бунинг боиси бор, албатта. Чунки эндиликда туман бўйича ғалла ўримини жадаллаштириш учун барча кучлар сафарбар этилмоқда. Раҳбар ва мутахассисларнинг маъсулиятлари ҳам оширилди. Улар эндиликда ўз вазифаларига диққат ва эътибор билан ёндошмоқдалар. Қилинаётган саъи-ҳаракатлар ўз самарасини бера бошлади. Бугун туман хўжаликларида дон маҳсулотларини тайёрлаш кун сайин ўсиб бораёпти. Бу борада айниқса кўп йиллардан буён илғорликни кўздан бермай астойдил меҳнат қилаётган "Бирлик" ижара хўжалиги ғаллакорларини алоҳида ўрнат қилиб кўрсатиш мумкин. Гап шундаки, жамоада дон маҳсулотларини етиштиришда омдаллаштиришга эришадиган бой тажриба тўплаган. Биз ўтган йили ҳам айни мана шу кезларда Оҳангаронда бўлган эдик. Ушанда туман ҳоқими Улғубек Иброҳимов хўжаликларда ғалла ўрими илғорлари фаолияти билан таништиришга туриб, маъмури хўжалик аъзоларининг ишлари ҳақида анчагина илиқ гапларни айтган эди. Шундан сўнг орадан ҳеч қанча вақт ўтмай газетамизда илғор жамоанинг ғалла етиштириш йўлида фидокорона меҳнат қилаётган фидойи деҳқонлари ҳақида мақола ҳам чоп этилган эди. Биз ўз олдларига юксак мақсадларни қўйиб астойдил ҳаракат билан ишлаётган хўжалик ғаллакорларининг кейинги фаолиятларини ҳам кузатиб бордик. Улар берган ваъдаларига собит қолиб, туман хўжаликлари ўртасида биринчи бўлиб зафар қўчдилар. Ҳар гектар майдондан режадан анчадан беш неча ҳисса кўпроқ сара дон ҳосили йиғиштириб олинди. Агар ижара хўжалигига қарашли мавжуд ерларнинг аксарият қисмининг сугорилмайдиган нотекис лалмикор дашликлардан иборат эканлигини

назарда тутадиган бўлсак, эришилган муваффақиятлар салмоғини чуқурроқ ҳис этамиз. Яқинда вилоят ҳоқими қарори изидан яна Оҳангаронда бўлганимизда "Бирлик"нинг ғаллакорлари бу йил ҳам дон маҳсулотлари тайёрлашда мавсум бошидан буён туман хўжаликлари ўртасида қилиб келаётганликларини эшитдик. Ғалла ўримининг бориши ҳақидаги маълумотларда ҳам бу борада кўзни қувонтирадиган рақамлар акс эттирилган эди. Илғорлар фаолияти билан яқиндан танишиш, ғаллазорлардаги бугунги машаққатли юмушларни ўз кўзимиз билан кўриш мақсадида ўтган йили шу кезларда ёзилган мақоламиз қаҳрамонлари ҳузурда бўлдик.

"Бирлик" ижара хўжалиги Оҳангарон марказидан анча олинса, қарийб Уртачирчиқ тумани чегарасида жойлашган. Шунинг учун ҳам шароити анча оғир, ҳатто арзимас сугорилмайдиган ерларига ҳам оби-ҳаёт бир неча хўжалик экин майдонларини босиб ўтиб энг охирида базўр етиб келади. Лекин асосий экинларини ғалла ташкил этади. Бу йил ҳам 750 гектар лалмикор ерда буғдой ва арпа етиштирилди. Ҳосил меҳнатга яраша ҳар йилдагидек мўл бўлди. Эрта экилган ғалла ўрими эрта ўроқ тушгани учун ҳам ҳосилни йиғиб олиш туманда биринчи бўлиб бошланди. Бугун жамоада 1,5 минг тонналик ғалла хирмони учун қатъий тартиб ва жадал асосида ялли сафарбарлик эълон қилинган. Маррани эгаллаш 15 июлга белгиланган. Шунга эришиш учун қизғин кураш бормоқда.

Ижара хўжалиги бошқарувчи раиси, ёш мутахассис Анорбой Каримов билан суҳбатимиз қисқа ва лўнда бўлди. Уни кўпдан бери биламан, Табиатан камгап, камтар. Лекин ишни кўзини биладиган йигит.

Ижарачиликка ҳам туман миқёсида ўз хўжалигида биринчи бўлиб асос солганлардан.

— Ўтган йили суҳбатлашганимизда кўп нарсани орзу қилган эдик, — дейди у, — Ўзингизда бўлса, ушанда бир мутахассис сифатида ғаллакор қилаётган меҳнатига яраша ўз қадрини топмаёпти, деган эдим. Қаранг, бир йил ичида бизни руҳлантирадиган қанча ишлар қилинди. Дарвоқе, Анорбой Каримов ўтган йили учрашганимизда ғалла етиштириш йўлидаги оғир машаққатни назарда тутиб, унинг давлат харид нархи ҳали жуда паст эканлигини, ғаллакорларнинг турмуш

шароитларини яхшилаш учун яна кўп ишлар қилиш лозимлигини кўниб



ҳикоя қилгани. Ушандан сўнг орадан кўп ўтмай Президентимиз жумҳурият қишлоқ хўжалик ходимлари олдига 1994 йилдан бошлаб ғалла мустақиллигига эришиш вазифасини қўйди. Вазирлар Маҳкамаси кетма-кет икки марта бошоқли дон экинларининг давлат харид нархларини ошириш тўғрисида қарор қабул қилди. Ғаллакорларга бўлган ғамхўрлик ва эътибор ҳам кучайтирилди. Мана шундан бўлса керак, деҳқонларнинг кайфиятлари жуда чоғ. Яқинда вилоят ҳоқимининг етиштирилган ғаллани тез ва соз фурсатларда ўриб олиш ҳамда ишни намунали ташкил этишда илғорларни рағбатлантириш тўғрисидаги махсус қарори далада — ғалла ўримида қатнашаётганларни яна ҳам руҳлантириб юборди.

— Кўп йиллардан буён ғаллачилик бригадасини бошқараман, — дейди биз билан суҳбатда Уктам Иброҳимов, — лекин ҳали бирон марта вилоят миқёсида ғаллакорларни рағбатлантирувчи бундай қарорни кўрмаган эдим. Яширмайман, қарорда белгилаб қўйилган ўринлардан бирини эгаллаш ниятида астойдил интиляпмиз.

Бу интилиш уларнинг ишларида, ҳар бир дақиқани олтинга тенг билиб,

ҳаракат қилаётганликларида ҳам яққол сезилиб турипти. Раҳимжон Пардаев, Юсуф Бойзоқов, Аҳрор Тўхтаев ва Александр Жуков сингари соҳада бой тажриба тўплаб, техника сирларини пухта эгаллаган комбайнчиларнинг ҳар бирлари кунига 10 — 15 тоннага етказиб дон ўриб, янчишга эришмоқдалар. Уларнинг фидокорона меҳнатлари

шундай жазирамада одамлар ҳолидан хабар олмай бўладими? Тўғри, иш шароитини яхшилаш, комбайнчиларга имкони борица зарур қулайликлар яратилаётганлиги учун ҳам ижара хўжалиги ғаллакорлари туманда карвонбошилиқ қилмоқдалар. Маҳсулотларни саранжомлаш ҳам яхши йўлга қўйилган. Янчилган ғалла

эвазига шу кунгача хўжалик бўйича 600 тоннадан зиёд ғалла хирмони уйилди. Ижара хўжалиги бошқарувчи вилоят ҳоқими қарорини бажариш ва ғалла ўрими-йиғим ишларини янада жадаллаштириш бўйича алоҳида тадбирлар ишлаб чиққан. Шунга кўра комбайнчиларга янчилган бир тонна дон учун 10 минг сўм пул тўланмоқда. Ҳар бир механик-ҳайдовчининг кундалик иш ҳақи ўртача юз минг сўмдан ошаёпти. Шароитга қараб меҳнатга ҳақ тўлашни яна ҳам кўпайтириш чоралари кўрилмоқда. Чунки ҳозирги ёз чилласи жазирамасида шароити айнан чўлга монанд қирликларнинг бир томчи сув кўрмаган дашликларига ҳосил тақдирини учун курашишининг ўзи бўлмайди. Бугун ғаллазорларни ҳеч муболағасиз жасорат майдонларига, бу ерда ишлаётганларни эса ҳақиқий қаҳрамонларга қиёслаш мумкин. Бунинг устига мавжуд ҳамма техникалар эски, умрини яшаб, тўкилиб бўлган. Ана ўшалар ямаб-ясаб ишлатилмоқда. Шу боисдан ҳам ҳар дақиқада бир муаммо юзага келади.

— Ғалла ўрими давом этаётган майдонларга тез-тез бориб турмаслик ҳам ҳозирги шароитда инсонийликка тўғри келмайди, — дейди А. Каримов. — Ахир мана

аввал жамоа омирига ташиб тўкилмоқда. Мана шу ерда сараланиб, тозалангач, давлатга топширилади. Бу борадаги ишларни сифатли амалга оширишда юк ташиш машиналарининг ҳайдовчилари Бахтижон Турсунов, Имомали Маматқулов ҳамда омиборда маҳсулот саралаётган Нурғали Қулназаров ва Қобил Раҳимовлар алоҳида фаоллик кўрсатишаёпти. Қисқача қилиб айтганда ижара хўжалигида Президентимизнинг жумҳурият қишлоқ хўжалик ходимлари олдига ғалла мустақиллигига эришиш бўйича қўйган вазифаси ва вилоят ҳоқимининг қарори маъсулият билан адо этилмоқда. Буни амалга оширилаётган бугунги ишлар исботлаб турипти...

**Иброҳим ТОШЕВ.**

**Суратда: ижара жамоа хўжалиги раиси Анорбой КАРИМОВ / чапдан биринчи / илғор комбайнчи Раҳим ПАРДАЕВ ҳамда ғаллачилик бригадаси бошлиғи Уктам ИБРОҲИМОВлар билан ғаллазорда.**

• **Янги ишчи ўринлари**

## УЙ ҚУРУВЧИЛАР УЧУН

Юқоричирчиқ туманидаги "Ўзбекистон" пахта заводи маъмурияти аҳолини иш билан банд қилишни кенгайтириш мақсадида қўшимча ишлаб чиқаришлар ташкил этмоқда. Йил бошида корхонада шлак блоқи тайёрлаш цехи фойдаланишга топширилган эди. Бу ерда ишлаш учун ишсиз юрганлардан беш нафар киши жалб қилинди.

Энг муҳими, бу цехнинг ишга туширилиши якка тартибда уй-жой ва бошқа иморатлар қураётганлар учун жуда маъқул бўлди. Улар завод жамоаси аъзолари орасида ҳам бор. Бундай зарур қурилиш материални овозагарчиликсиз шу ердан керагича харид қилиш имконига эга бўлдилар. Блоклар бошқа талабгорлар учун ҳам сотилмоқда. Шу йилнинг ўтган ойларида цехда ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми бир неча миллион сўмликни ташкил этди. Юзлаб якка тартибда уй қурувчиларнинг мушқули осон бўлди. Цех жамоаси блок ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш имкониятларини қидирмоқда.

**М. МАҲМУДОВ.**

Участка нозирини — ички ишлар идораси тизимидаги жиноятнинг олдини олиш тадбирларини амалга оширувчи асосий лавозим. Бириктирилган участкадаги тезкор ҳолат ва участка нозирининг олиб бораётган ишлари халқнинг бевосита иштирокчида бўлганлиги сабабли нозирнинг обрў эътибори, маданий савияси, адолатли ечимлари халқ олдидаги ҳисоботида одилона баҳоланади.

Олмалиқ шаҳри ички ишлар бўлимида 30 йилдан ортқ хизмат қилаётган оддий милиционер лавозимдан то участка катта нозир лавозимигача етган милиция майори хизмат кўрсатган участка нозир кўкрак нишондори Анорбой Хатамовнинг 1994 йилнинг биринчи чораги якуни бўйича халқ олдидаги ҳисоботида қатнашиб, сафимизда хизмат бурчига садоқатли шундай оқсоқолларимиз борлигидан маърурланмай иложимиз йўқ.

Расмиятчилик юзасидан уч ойда бажарилган ишлар ҳақида тўхталиб ўтиб, уч ой бадалда 109 та маъмурий баённомалар тузганлигини айтиди. Шулардан майда безорилик учун 9, спиртли ичимликларни белгиланмаган жойда истеъмол қилганликлар учун — 37, санитария қондасини бузган — 16, паспорт қондабузарларидан — 40, қўлбола ароқ тайёрлаганлиги учун — 4 нафар фуқаро маъмурий жазога

тортилди.

Участка нозирини хушмуомала ва адолатли бўлса унинг ерданчилари ҳам кўп бўлади. Анорбой аканинг саккиз жамоатчи ерданчиси бўлиб, доимо у билан биргаликда ишлайдилар. Ҳалол яшашни ўзига қонун қилиб олган фуқаролар ҳам ўзларига маълум бўлган жиноят ва жиноятчилар ҳақида кўркмасдан хабар беришади.

... 30 январь куни муқаддам судланган Олег Нурмуҳаммедов

### ОСОЙИШТАЛИК БЕШИГИ

қўшниси Нишонбой Алиқулов уйдан 2 миллион 500 минг сўмлик рўзгор буюмлари ва сигареталарни ўғирлаганлиги учун халқ суди жиноятчини 9 йилга озодликдан маҳрум қилди.

2 февраль куни соат саккизларда Островский кўчаси 18-уй 20 хонасига номаълум босқинчи кириб уй соҳибини пичоқ билан кўрқитиб "Рекорд" телевизорини олиб кетади. "Лаззат" чойхонаси олдида ўғирланган телевизорни 20000 сўмга сотаётган босқинчи кўлга олинди. Ҳеч қаерда ишламайдиган ва ўқимайдиган, 1975 йили туғилган Геологлар кўчасида

яшайдиган фуқаро Акуленко Сергей Анатольевич Олмалиқ шаҳар халқ суди томонидан 8 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

Олмалиқ шаҳрида жойлашган "Деҳқон" бозорига келган сотувчилардан баъзиларининг бу бозорга энди келмайдиган — нега десангиз солиқ олувчилари кўп экан, чора кўрадиган ходим ёки идора борми, қабилидаги шикоятлари участка нозирини ўйлантириб қўйди. Бўлим бошлиғи кўрсатмасига асосан бозорда тезкор тадбир ўтказиладиган бўлди. Тадбир жараёнида А. Хатамов бошқарётган гуруҳ томонидан 5 март куни ўзини "Солиқ инспекцияси" вакили деб таништириб сотувчилардан пул йиғиб юрган Роман Ким товламачилик устида қўлга туширилди. Халқ суди томонидан товламачи 4 йилга озодликдан маҳрум қилинди.

... Анорбой акадан қандай қилиб шунча оғир жиноятларни очдингиз, — деган саволимизга жавобан "Темир дафтар" деган китобини кўрсатди. Бу дафтарда участкадаги барча маълумотлар ёзиб бориларкан.

Ҳақиқатан ҳам тарбияни маҳалладан бошлаш керак — маҳалла осойишталик бешигидир.

**М. ЮНУСОВ**  
**Олмалиқ шаҳар ИИБ бошлиғи МУОВИНИ, МИЛЛИЦИЯ ПОДПОЛКОВНИГИ.**



Футбол бўйича жаҳон биринчилиги

**КУЧЛИЛАР  
КУРАШНИ ДАВОМ  
ЭТТИРАДИ**

Мусобақа олдида ишқибозлар имкониятларига юқори баҳо берган командалар кутилгандек галабага эришмоқдалар. Биргина Аргентина терма жамоасининг мағлубияти аксарият футбол мухлислари учун гайритабиийдек туюлди. Лекин бу мағлубиятнинг футбол "юлдузи" Марадонанинг ўйинлардан четлаштирилганлиги билан боғлаш мумкин.

4 июль кунини Америка Қўшма Штатлари мамлакат мустақиллигининг 218 йиллигини катта тантана билан нишонлади. Лекин бутун мамлакат кўллаб-қувватлаб турганлигига қарамай Бразилия ўйинчилари майдон эгаларидан устунлик қилишди.

Шундай қилиб, нимчорак финалда куйидаги ҳисоблар кайд қилинди:  
Германия — Бельгия -3:2,  
Руминия — Аргентина -3:2,  
Саудия Арабистони — Швеция -1:3  
Швейцария — Испания -0:3,  
Голландия — Ирландия -2:0  
Бразилия — АКШ -1:0.  
Тошкент ҳақиқати нинг ушбу сони газетхонлар қўлига бориб текканда Нигерия — Италия, Мексика — Болгария ўйинларининг натижаси ҳам маълум бўлади.  
Энди навбат — чорак финал учрашувларига!

**САФДА ЎЗ ЎРНИМИЗ БОР**

Зангиота туманининг "Истиқбол" газетаси чиқа бошлаганига 60 йил тўлди

Бир файласуф ўтмишини тиллога ҳам сотиб ололмайсан, деган экан. Чиндан ҳам ўтган ҳаётинг учун ҳар қанча уринсанг ҳам қайта ўзгариб бўлмайди. Тарих эса қоғозларга муҳрлашиб қолади. Газета ҳам тарихдан гувоҳлик берувчи ўзига хос солиномадир. Шуларни ҳисобга олганда "Истиқбол" газетаси саҳифаларини арақлаган киши Тошкент вилояти бир қисмининг ўтмиши, одамлари турмуши, ташвиш ва қувончлари ҳақидаги мақолаларга кўзи тушади. Бу мақолалар ўша жамият ҳаёти билан таништиради, теглиши хулоса чиқаришга ёрдамлашади.

ҳаракат қилдилар. Бугун газетанинг тўйи кунини туман қаламқашлари унинг биринчи муҳаррири Комил Пўлатов, шунингдек, Ю. Баҳодиров, Х. Боймуҳамедов, Соат Раззоқбердиев, Маҳмад Абзалов, Ҳалил Қаюмов кабилар номини ҳурмат билан тилга оладилар, Уларнинг қалб кўри, кўз нури сарфланган саҳифалар ижодкорлар меҳнати самарасидан далолат бериб турибди.

ҳабардор этиб бориш, туман олдидаги вазифаларнинг ҳал этилишига фазлроқ аралашши имконини кучайтирмоқда.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида туман ҳокимлигининг бизга бўлган ғамхўрлигини мунтазам ҳис этиб турибмиз. Шу билан бирга ўзимиз ҳам эскича ишлаш фурсати ўтганлигини сезмоқдамиз. Тумандаги кўпгина йирик корхона, ташкилот, хўжаликлар билан шартнома асосида фаолият кўрсатялмиз. Кейинги кўпгина саҳифалар ана шу шартномалар натижасида вужудга келди.

Байрам янги режалар тузиш учун ҳам керак. Шунинг учун биз газетамиз туман ҳаётининг чинакам ойнаси бўлиши, олдиндаги вазифаларни бажаришга кўпроқ ҳисса қўшиш умиди билан яшамоқдамиз.

**Абдусаттор ҲАТАМОВ,  
муҳаррир.**

**Ғазалкентда кўрик-танлов**

**БИРИНЧИ ЎРИН —  
"МУНОЖОТ"ГА**

Республикамиз мустақиллигининг уч йиллигига бағишлаб вилоят маданият бошқармаси ва илмий услубият маданият маркази ташаббуси билан фольклор — этнографик жамоаларининг вилоят кўрик-танлови ўтказилди. Ғазалкент шаҳрида бўлиб ўтган ушбу кўрик-танловда вилоятнинг кўпгина шахар ва туманларидан келган фольклор жамоалари иштирок этдилар. Жумладан, Янгийўл шаҳридаги "Заррин япроқлар", Бўстонлик туманидаги "Гулер", Янгибод шаҳридаги "Гулдиер", Оҳангарон туманидаги "Чотқол", Паркент туманидаги "Чак-чак", Зангиота туманидаги "Саодат", Куйичирчиқ туманидаги "Оқ олтин", Бекобод шаҳридаги болалар фольклор жамоаларининг ихлосмандлари жуда кўп.

Фольклор — этнографик жамоалар ижросидаги куй ва кўшиқларнинг жозибадорлиги шундаки, улар асрлар давомида яратилиб, шаклланиб сайқал топган, ҳамisha навқирон халқ ижоди намуналаридир.

Айниқса Юқоричирчиқ районидан келган "Муножот" фольклор этнографик ансамбли тайёрлаб келган "Мучал тўйи" кўриниши томошабинлар ва ҳакамлар хайратига манзур бўлди. Шу боис бу жамоа бир овоздан биринчи ўринга муносиб кўрилди. Иккинчи ўрин эса Бекобод туманидаги "Юлдуз" фольклор — этнографик гуруҳига насиб этди. Бўстонлик туманидаги "Гулер" фольклор — этнографик жамоаси фахрли учинчи ўринни эгаллаган бўлса-да, унинг ижросидаги кўпгина кўшиқларни томошабинлар узоқ олқишладилар. Бекобод шаҳридан келган ўғил болалар фольклор гуруҳининг дастури ҳам кўпчиликка манзур бўлди.

Энди "Муножот" фольклор жамоаси сентябрь ойида Сурхондаре вилоятида бўладиган халқаро фольклор — этнографик анжуманда иштирок этиб, вилоятимиз шарафини ҳимоя қилади.

**Ғ. ТўЛАГАНОВ.**

**ҲАМКАСБЛАРИМИЗНИ  
ҚУТЛАЙМИЗ**

Кадрли қаламқаш дўстлар!

Газеталар катта-кичикми, марказдами, чекка туман ёки кишлоқдами; қаерда нашр этилишидан қатъий назар, ўз овози, ўз мухлислари ва ўқувчилари, таянчлари ва ҳамкорларига эга бўлади. Газетанинг сўзига ҳамма соҳа ва касб кишилари, аҳолининг барча қатламлари қулоқ соладилар. Шунинг учун матбуот сўзи ўтқир таъсир қилувчи, сафарбар этувчи куч ҳисобланади. Айни кунларда ўзининг шонли 60 йиллигини нишонлаётган Зангиота туманининг "Истиқбол" газетаси ҳам бундан мустасно эмас. Туман аҳолиси ҳаётининг барча соҳаларидаги туюқ ва нуқсонлари, қувонч ва ташвишлари, турмушни янгилаш йўлида қўяётган ўзига хос одимлари унинг саҳифаларида ўз аксини топиб келмоқда. Журналистлар жамоаси туман

меҳнатқашлари олдида турган янги вазифаларни бажаришда қўлдан келганча ёрдам қилишга ҳаракат қилмоқдалар.

Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари байрами муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг матбуот ходимларига йўллаган табригидаги куйидаги сўзлар мазкур газета ходимларига ҳам тааллуқлидир. "Сизнинг она юртимиз истиқболни кўзлаган ҳаққоний сўзингиз, истиқбол йўлида бунёдкорлик билан машгул халқимизни руҳлантириб келаётгани ҳаммамизни қувонтиради".

Азиз ҳамкасблар!

Сизларни газетанинг шонли олтмиш йиллиги билан қизгин қутлаб, шарафли ва қийин меҳнатингизда янги муваффақиятлар тилаймиз.

**Ўзбекистон журналистлар уюшмаси, унинг Тошкент ташкилоти бошқаруви, "Тошкент ҳақиқати" жамоаси.**

**Муҳарририятга келган хатлар ва жавоблардан**

**БАРАКА —  
ҲАЛОЛЛИКДАДИР**

Давр, замона биз кутгандек тубдан ўзгарди. Одамлар эзгу мақсад, эзгу орзулар билан яшай бошлади. Уларнинг гоъллари ҳам, дунёқарашлари ҳам ўзгача. Лекин гоҳида ношукрлик қилиб, эскиликни қўмсовчилар ҳам учраб туради.

Уларга қарама-қарши бориб, мустақиллик бизга тилимизни, динимизни, эркимизни, боринги, ўзбекона урф-одатларимизнинг ҳаммасини бус-бутунча қайтариб берди десак, асло муболаға бўлмас.

Жамоа хўжалигимизнинг "Ёварик" кишлоғида саксон беш ёшни қоралаган Асатилла Сатторов деган отахон яшайди. Умр бўйи деҳқончилик қилиб келган бу кекса билан бир пиёла чой устида суҳбатлашиб қолдик.

— Уғлим, қимматчилик деймиз, қиммат бўлса ҳам бор, аммо йўғи чатоқ. Ундан Худонинг ўзи асрасин. Қимматчиликни сизлар кўрмагансизлар, кўрманглар ҳам. У

пайтларда эсимда, мен янги шолчани сотиб, пулига зўрға иккита нон олган эдим. Ҳозирги даврни қийинчилик, деб бўлмайди. Ойнинг ўн беши қоронғу бўлса, ўн беши ёруғ. Кампир билан бирга 200 минг сўм-купон пенсия пули оламиз. Нолмаймиз, рўзгоримизга етади.

Ҳа, Асатилла отанинг гапларида жон бор. Халқимиз, фуқаролар ўртасида меҳр-оқибат, имон-этиқод, ҳалоллик муқаддас бўлмоғи керак. Бу борада кунин кеча Президентимизнинг "ойна жаҳон" орқали деҳқон бозорларидаги аҳолини яхшилаш, чайқовчиликка қарши кескин курашиш лозимлиги ҳақида айтган гаплари жуда ўринлидир. Зеро, халқимиз "Барака — ҳалолликда" деб бежиз айтмаган.

**Т. ЖўРАЕВ.  
Тошкент тумани, Собир Раҳимов номи жамоа хўжалиги.**

**Тергов давом этади**

Муҳарририятимизга Куйичирчиқ туманидаги "Тошовул" жамоа хўжалиги Ферма участкаси, 14-уйда истиқомат қилувчи Мирҳатим Шафиев шикоят ариза билан мурожаат этиб, 1993 йил 30 сентябрь кунини ўлдирилган ўғли Марат Шафиевнинг қотилини топишда туман прокуратураси ва ички ишлар бўлими ходимлари етарлича фаолият кўрсатмаганликлар, оқибатда жиноятчи топилгунча жиний ишни ҳарҳолдан тўхтатиб қўйганликлари ҳақида норози бўлиб ёзган эди.

Ушбу хатни вилоят прокуратурасига юборган эдик. Вилоят прокуратурининг ўринбосари, адлия катта маслаҳатчиси Д. Миралимов имзоси билан қуйидаги жавоб келди:

"Фўқаро М. Шафиевнинг

аризасига кўра вилоят прокуратурасида жиноят иши материаллари батафсил ўрганиб чиқилди. Шунга кўра Куйичирчиқ тумани прокуратураси терговчиси М. Ашуровнинг 1994 йил 23 апрель кунини жиний ишнинг ҳаракатдан тўхтатиш ҳақидаги қарори асоссиз деб топилди ва у бекор қилинди. Марат Шафиевнинг қотилини топиш бўйича, тергов жараёнида сансалорликка йўл қўйилганлиги, тергов сифатсиз олиб борилганлиги туман прокуратурасига кўрсатиб ўтилди.

Жиноят иши бўйича тергов ҳаракатларини жадаллаштириш, жиноятчиларни аниқлаб, уларни жиний жавобгарликка тортиш бўйича алоҳида тергов гуруҳи тузилди".

**«НАВРЎ» савдо-тишлаб  
ишқарши мажмуи»**

**махсус гуруҳларга  
офишантлар шогирдларини  
қабул қилади.**

**16 ёшдан 30 ёшгача бўлган  
ўрта маълумотли йигитлар,  
шунингдек 16 ёшдан 25 ёшгача  
бўлган қизлар қабул қилинади.**

**Стипендия тўланади.**

**Ўқитиш мuddати - 3 ой.**

**Энг кам иш ҳақи -**

**300.000 сўм-купон.**

**Телефонлар: 45-39-41, 45-42-33**

**Манзилгоҳимиз: Фурқат кўчаси, 5.**

**Метронинг «Халқлар Дўстлиги» бекати,**

**6, 7, 12, 14, - троллейбуслар,**

**51, 151, 13, 153 - автобусларнинг**

**«Беш-Ёғоч» бекати.**



**БИЛИБ  
ҚЎЙГАН ЯХШИ**

• Мебел ёригини асалари мумини суриб осонгина йўқотиш мумкин.

• Агар оғзингизга бир қултум сув олиб, пиёз тўғрасангиз кўзингиз заррача ачимайди.

• Қайчи дамига озгина мум ёки парафин суриб қўйилса у яхши қирқади.

• Агар қўл арра қисилиб қолиб, арралаш қийин бўлса арранинг тишларига совун суриш керак. Агар ҳўл ёки смоласимон ёғочни арралаши қийин бўлганда ҳам шу "маслаҳат"га амал қилсангиз нафи тегади.

• Пичоқ иссиқ сувда ювилса тез ўтмаслашиб қолади. Уни озроқ номокобли сувга ярим соатча солиб қўйилса, осон ва тез қайралади.

**Муҳаррир  
Н. НАСИМОВ**

**«Тошкент ҳақиқати»**

**Муассис:**

**Тошкент вилояти**

**ҳоқимлиги**

**БИЗНИНГ МАНЗИЛИ:**  
700000, Тошкент, ГСП,  
Матбуотчилар кўчаси, 32.

**ТЕЛЕФОН:**  
хатлар ва оммавий ишлар  
бўлими — 334-048

**Руйхатдан ўтиш тартиби № 8. Буюртма Г-991. 20900 нусхада босилди, ҳажми — 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2.**

**"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти — 20.30. Босишга топширилди 20.30. 1 2 3 4 5 6**